

ТЕКИН ПИШЛОҚ ҚОПҚОНДА БЎЛИШИНИ ҲАР БИР ЁШГА АНГЛАТИШ ЗАРУР

4-с.

Ўзаро ҳамкорлик ва уйғун ҳаракат натижалар юқорилигини белгилайди



5-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

Mahalla

2024 ЙИЛ
14 НОЯБРЬ,
ПАЙШАНБА

№72
(2210)

WWW.UZMAHALLA.UZ

БУГУНГИ СОНДА:

Боқимандалик кайфияти барҳам топди, тадбиркорлик руҳи уйғонди

Кейинги йилларда Президентимиз қайси вилоятга бормасин, албатта, маҳаллага киради, мактаб, боғчани кўради, оддий одамлар ҳаёти билан қизиқади. Натижада ана шу тизим одамларга катта куч-ғайрат, бугунги ислоҳотлар мазмундорлигига ишонч бағишламоқда. Сабаби, бу каби дилдан, самимий суҳбатларда кутилмаган масалалар кун тартибига чиқади.

6-с.

Аёлга бахт беринг, азоб ва армонлар эмас...

Тош келса кемириб, сув келса симириб, ўз турмушингни, оилангни асра”. Болаликдан қулоғига қуйилган бу панду насиҳатлар аёлни барчасига сабр қилишга ундарди. Яқин инсони билан боғланган ришталарни сақлаб қолиш истаги уни хорижга, бирор масъулиятни бўйнига олишни истамайдиган турмуш ўртоғининг ёнига чорлади.

7-с.

Инсон учун қайғурсангиз, миллат ва ҳудудлар чегара эмас

Ҳамма гап қалбда. Агар инсонлар бир-бирини дилдан ҳис қилса, ўзганинг муаммосини ўзиникидек қабул қилиб қайғурса, миллат ва ҳудудлар ҳеч қандай чегара бўлолмайди. Бошқа ҳудудларда бўлгани каби “маҳалла еттилиги” аъзолари фуқароларни бир мақсад йўлида бирлаштириб, олға интилишда давом этаётир.

8-с.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Очиқ мулоқот ва ошкора танқид руҳида



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, ёшлар билан мулоқот қилди, Уюшманинг ҳудудий бошқармаси ва туман (шаҳар) бўлимлари ходимлари билан учрашди.

Қаҳрамон Қуронбоев Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида бўлиб, унинг фаолияти ва ходимларга яратилган шароитлар билан танишди. Мутахассислар билан суҳбатлашиб, уларга муносиб меҳнат шароитини яратиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Уюшма раиси Нукус шаҳри ва туманлар бўлимлари ходимлари билан учрашди. Тадбирда ҳудудий бошқармалар, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллалари фаолияти танқидий кўриб чиқилди.

Қаҳрамон Қуронбоев ҳар бир бўлим бошлиғи ва ходимлар билан суҳбат ўтказиб, “маҳалла еттилиги” иш самарадорлигини янада ошириш юзасидан кўрсатмалар берди. Хусусан, маҳаллаларни ишсизлик, камбағаллик ва оилавий ажралишлардан холи ҳудудга айлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш — асосий вазифа эканини қайд этди. Эркин мулоқот руҳида ўтган учрашувда бу борада учраётган камчиликлар муҳокама қилиниб, келгусидаги режалар белгилаб олинди.

Давоми 2-саҳифада.

Халқимизнинг эзгу анъана ва қадриятлари ниҳоятда кўп. Эътиборли жиҳати шундаки, оилада, маҳалла-кўйда ёши улуғ инсонларга алоҳида ҳурмат кўрсатилади, ўзгача меҳр ва эҳтиром билдирилади. Бундан ташқари, бирор эзгу амални бошлашдан аввал, албатта, нуроний-ларнинг маслаҳати ва дуосини олишга одатланганмиз. Ҳар ишда улар билан кенгашиб, иш тутишга интиламиз.

МАҲАЛЛА МАСЪУЛ БЎЛГАН ҲАР БИР ВАЗИФАДА НУРОНИЙЛАР КЎМАГИ ВА ИШТИРОКИ БОР



Давоми 3-саҳифада.



БУНЁДКОРЛИК, ЯРАТУВЧАНЛИК ОДАМЛАР УМИДИ ВА ИШОНЧИНИ ОШИРДИ

2-саҳифада.

Mahalla 365

2023 йил 21 декабрда “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинган.

☑ **Маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари** тузилди.




☑ **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси** ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилди.

☑ Маҳалла раиси “еттилик” фаолиятини KPI асосида баҳолашда **20 фоиз балл** бериш ҳуқуқига эга бўлади.

20 %

☑
- Маҳалла раиси,
- ҳоким ёрдамчиси,
- ёшлар етакчиси,
- хотин-қизлар фаоли,
- профилактика инспектори,
- ижтимоий ходим,
- солиқ инспектори

“маҳалла еттилиги”ни ташкил қилади.



☑ Ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш “маҳалла еттилиги”нинг **коллегиал қарори** асосида амалга оширилади.





☑ “Маҳалла еттилиги”нинг фаолияти **асосий самарадорлик кўрсаткичлари** (KPI) бўйича алоҳида баҳоланади.

☑ Барча туман ва шаҳарларда **“Маҳалла бюджети”** тизими амалиётга жорий этилди.





ДИҚҚАТ!

ОБУНА — 2025

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий нашри — «Mahalla» газетаси ҳамда «маҳалла еттилиги» вакиллари учун ўзига хос қўлланмага айланиб улгурган «Mahalla ko‘zgusi» журналига 2025 йил учун обуна бўлинг!

“MAHALLA” ГАЗЕТАСИ НАШР КЎРСАТКИЧИ: 148

“MAHALLA KO‘ZGUSI” ЖУРНАЛИ НАШР КЎРСАТКИЧИ: 862

Мурожаат учун телефонлар: +998 71 233 39 89, +998 71 233 10 92

ШОШИЛИНГ!

Маҳаллани «Mahalla»сиз тасаввур этиш қийин...



Президент Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистонида навбатдан ташқари АРАБ-ИСЛОМ САММИТИда иштирок этди ва нутқ сўзлади.



Шавкат Мирзиёев Саудия АРАБИСТОНИ ПОДШОҲЛИГИ ВАЛИАҲДИ, Бош вазири Муҳаммад бин Салмон Ол Сауд билан учрашув ўтказди.



Президент Шавкат Мирзиёев Бокуда COP29 доирасидаги Жаҳон етакчилари саммитида иштирок этди.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

ОЧИҚ МУЛОҚОТ ВА ОШКОРА ТАНҚИД РУҲИДА



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ташриф доирасида Уюшма раиси, Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси раиси Қаҳрамон Қуронбоев, Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов ёшлар билан мулоқот қилди.

Масъуллар дастлаб Нукус шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб, ҳудудда йигит-қизларга яратилган имкониятлар, шарт-шароитлар, бу ерда ташкил этилган медиа марказ, ўқув курслари, кутубхона фаолияти билан танишди. Ёшлар медиа марказида мутахассислар билан суҳбатлашиб, уларнинг таклиф ва фикрлари тингланди.

Шундан сўнг қорақалпоғистонлик ёшлар билан эркин ва самимий суҳбат доирасида 300 нафарга яқин ёшдан 30 дан ортиқ таклиф ва ташаббус илгари сурилди. Хусусан, улар ахборот технологиялари соҳасида хизмат кўрсатиш ва малака ошириш учун амалий ёрдам сўраб, бу йўналишда Ўзбекистондаги энг тажрибали компаниялар билан боғланиш имкониятига эга бўлишди.

Дунёнинг энг нуфузли университетларида таълим олиш учун "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали ўқув-семинарлар ташкил этиш ва ёш фермерларни қўллаб-қувватлаш учун инновацион ғоялар танловини ўтказиш таклифлари илгари сурилди. Учрашув давомида Ўзбекистондаги энг яхши брендларни Қорақалпоғистонга жалб этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

МАҲАЛЛА БОҒЛАРИГА КЎЧАТ ЎТҚАЗИЛДИ

Жойларда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсумига киришилди.



Мирзаобод тумани "Наврўз" маҳалласи ҳудудидаги катта йўл бўйида "Маҳалла боғи" ташкил этилмоқда. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъуллари, Уюшманинг Сирдарё вилояти бошқармаси ҳамда туман-шаҳар бўлимлари бошлиқлари иштирокида бу ерга илк кўчатлар экилди. Кўчатларнинг парвариши, сув билан таъминланишини назоратга олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Наманган шаҳрида нуронийлар кузги мавсумни бошлаб беришди. Адиблар хиёбонида махсус нуронийлар боғи ташкил этилиб, дарахт экиш акцияси бўлиб ўтди. Тадбир давомида нуронийлар ва ёшлар биргаликда меҳнат қилиб, 100 дан ортиқ манзарали дарахтларнинг кўчатларини экишди. Жараёнда нуронийлар ёшларга табиатни асрашнинг аҳамияти ва унинг инсон саломатлигига ижобий таъсири ҳақида гапириб берди. Лойиҳа доирасида нафақат марказий ҳудудлар, балки чекка маҳаллаларда ҳам кўчат экиш ишлари бошлаб юборилди.

Навбаҳор тумани "Бурқут" маҳалласи ҳудудидаги 1 гектар ер майдонида ёшлар етакчилари ташаббуси билан 5 минг дона тут кўчатлари экилди. Жараёнлар олдидан ер тайёрланиб, яхши ниятлар ила дарахт кўчатлари қадалди. Нуронийлар, туман масъуллари ёшларга дарахт экишнинг сир-асрорлари, ҳудудда яшил боғ барпо қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида маълумот беришди.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

Бунёдкорлик, яратувчанлик одамлар умиди ва ишончини оширди

Президент Шавкат Мирзиёев 2023 йил 30 март куни Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи доирасида Нукус шаҳридаги "Алтин жағис" маҳалласида бўлиб, фаоллар, нуронийлар, ёшлар ва ҳудуд мутасаддилари билан суҳбатлашганди.







Хўш, ўтган вақт мобайнида қандай ўзгаришлар бўлди? Президент ташрифидан сўнг амалга оширилган ишлар, келгуси режалар ҳақида маҳалла раиси, "Дўстлик" ордени соҳиби Нигаргул Гобенова билан суҳбатлашдик.

— 2021 йилда "Телеорай" маҳалла фуқаролар йиғинидан алоҳида ажралиб чиққан пайтларимиз йўлнинг носозлигидан ҳудудга йўналишли автотранспорт воситалари, ҳатто такси ҳайдовчилари базўр келарди. 2022 йилнинг февраль ойида давлат раҳбарининг Қорақалпоғистонга ташрифидан сўнг, ҳудуд "Обод маҳалла" дастурига киритилиб, кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Айниқса, йўллар, электр энергияси, ичимлик сув ҳамда газ тармоғи янгиланди. Ҳудуддаги 34 та кўчага қум-шағал аралашмаси тўшалиб, 7 та кўча асфальтланди. Тўртта жойда болалар майдончаси, маҳалла фуқаролар йиғини биноси янгидан қуриб битказилди.

Президентнинг Қорақалпоғистонга 2023 йил 30 мартдаги ташрифи ҳам ўзига хос ташаббуслар, янги ғоялар, кутилмаган янгиликларга бой бўлди. Қувонарлиси, бу сафар давлат раҳбари маҳалламизда бўлиб, фаоллар, нуронийлар, ёшлар ва ҳудуд мутасаддилари билан суҳбатлашди.

Ташриф давомида 452 та маҳалланинг ҳар бирига тўғридан-тўғри 500 миллион сўмдан қўшимча маблағ ажратилди. Бу маблағ эвазига биз ҳам маҳалла аҳолисини неча йиллардан бери қийнаб келаётган муаммоларига ечим топдик, 34 та кўчага оқова сув тармоғи тортилди. Натижада томорқачилик барча хонадонларда қўшимча даромад манбаига айланди. Бундан ташқари, учта — Бўзли, Даштиқипчоқ, Олтин тоғ кўчаси асфальтланди.

Маҳаллада айни дам 4 245 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Асосий "драйвер" — хизмат кўрсатиш. Шу жиҳатни инобатга олиб, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратишга эътибор қаратилмоқда. Бу орқали ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришга эришяпмиз.

Йил бошидаги хатловда 186 нафар ишсиз рўйхатга олинган эди. Саъй-ҳаракатлар натижасида бу рақам 160 тага қисқарди. Қолган 26 нафар ишсиз мономарказда касб-ҳунар ўрганмоқда. Насиб қилса, йил охиригача ишсизликдан холи ҳудудга айланамиз.

Маҳаллада 13 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 8 та тикувчилик корхонаси, 5 та новвойхона, 2 та мебелсозлик ва техник хизмат кўрсатиш устахонаси ишлаб турибди. Иккита хонадонда қуёнчилик, 42 тасида паррандачилик, 11 тасида чорвачилик йўлга қўйилган, бешта хонадонда биогумус ишлаб чиқарилмоқда. Келгусида балиқчиликни ривожлантириш режалаштирилган.

Йил давомида "Аёллар дафтари"даги 18 нафар, "Ёшлар дафтари"даги 2 нафар фуқарога субсидия ажратилди. 45 нафар камбағал оила вакилларига имтиёзли кредит берилди. Улар ўзини ўзи банд қилди. Мисол учун, ишсиз сифатида рўйхатда турган Илмира Хоназарова дастлаб 33 миллион сўм кредит билан иш бошлаганди. Қисқа вақт давомида фаолиятини кенгайтириб, 100 миллион сўм кредит ҳисобига йирик тадбиркор, иш берувчига айланди. Корхонасида 8 та янги иш ўрни яратди.

Яна бир эътиборли жиҳат, 2023 йил бошидан шу кунгача маҳаллада бирорта жиноят содир бўлмади. Бунинг сабаби, аввало, "маҳалла еттилиги" вакилларининг ҳамжиҳатлиги бўлса, иккинчидан, аҳоли муаммоларининг ўз вақтида бартараф этилаётганидир.

Президент ташрифидан кейин ажратилган маблағ эвазига яна бир ташаббусга кўл урдик. Маҳалланинг кириш ва чиқиш қисмига видеокузатув камераси ўрнатдик. Шунингдек, ҳудудда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёлғиз яшовчи, кўп болали, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик лойиҳасини қўллаб-қувватлаш мақсадида 100 нафардан ортиқ фуқарога 1 млрд. 400 млн. сўм кредит ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, Президент ташрифида белгиланган вазифалар ижроси боис маҳалла обод, халқимиз ҳаётидан мамнун. Амалга оширилаётган яратувчанлик ишлари одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини оширмоқда.

ТАЖРИБА

Деҳқон харидор излаб, хорижга бормаяпти

Маҳалламизда 3 260 нафар аҳоли яшайди. Асосий "драйвер" — чорвачилик ва деҳқончилик. Ишсизликнинг олдини олишда "Сайхунобод тажрибаси"нинг жорий этилгани яхши самара бермоқда. Хонадонларда томорқадан фойдаланиб, чорвачилик, паррандачиликдан юқори фойда олишга эришилмоқда. Оммавий тарзда шёз экин йўлга қўйилиб, 11 та хонадонда тажриба тариқасида бу экин тури етиштириляпти.

Тоир ОТАҚЎЗИЕВ,
Сайхунобод туманидаги "Нурли йўл" маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Гулбаҳор Қосимова томорқасининг 15 сотих қисмида эртанги пиёз кўчати парваришламоқда. Тахминан 10 тонна ҳосил олишни режа қилган. Килосини беш минг сўмдан сотганда, 50 миллион сўм фойда кўради.

Дарҳақиқат, маҳалла аҳолиси мавсумдан мавсумгача турли хил кўчат, кўкат, мевасабзавот, полиз ва тўқсонбости экинларини экиб, томорқани чинакам даромад манбаига айлантирган.

Ориф Жалилов хонадонида 6 сотих иссиқхона ташкил қилиб, брокколи карами етиштиряпти. Тахминий ҳисоб-китобга кўра, 7-8 миллион сўм даромад олишни режа қилмоқда.

Йил бошидан бери "Сайхунобод тажрибаси" асосида 37 нафар фуқарога иссиқхона қуриб бердик. 7 та хонадонга 5 бош қўй, 100 та товуқ, 10 кути асалари берилди, томорқасида 3-4 сотихли иссиқхона ташкил этилди. Экин ерини шудгорлаш учун бир донадан мотокультиватор ажратилди.

Бундан кўзланган мақсад — атрофдаги қўшниларни ҳам томорқадан самарали фойдаланишга қизиқтириш. Талабгорларга зарурий билим берилмоқда. "Агробанк"нинг туман бўлимидан аграном бириктирилиб, томорқа ва иссиқхонадан самарали фойдаланиш бўйича маслаҳат бермоқда, зарур ёрдам кўрсатмоқда.





Аҳоли даромадини ошириш мақсадида хонадонларда қовоқнинг "гантел" нави экилди. Унинг афзаллиги, асосан, хорижга экспорт қилинади. Эътиборлиси, пишган маҳсулотни экспортёр корхона орқали сотиш йўлга қўйилган. Деҳқонлар харидор излаб, сарсон бўлмаяпти.

Юқоридаги чора-тадбирлар натижасида йил бошида аниқланган 107 нафар ишсизнинг 97 нафари доимий ва мавсумий иш билан банд қилинди. Йил якунигача "Сирдарё политекс" кластери 13 нафар фуқаро билан шартнома тузишни режа қилган.

Янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаётган яна бир тадбиркор — Санобар Иброҳимова. У раҳбарлик қилаётган "Салима нур келажаги" масъулияти чекланган жамиятига жорий йил 207 миллион 890 минг сўм субсидия маблағи ажратилиб, 20 турдаги тикув машинаси олиб келинди. Натижада маҳалладаги 20 нафар ишсиз хотин-қиз бандлиги таъминланди.

Ишсизликнинг қисқартирилиши баробарида камбағаллик даражаси пасаймоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, камбағалликни фақат пул тарқатиш, нафақа тўлаш билан ҳал қилиб бўлмаслигини англаб, бундай оила аъзоларини ўқитиб, касбга ўргатяпмиз. Йил бошида 38 та камбағал оила рўйхатга олинганди. Бугунгача 15 тасига амалий ёрдам берилди. Улар ўзига тўқ хонадонлар сафига қўшилди. "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури асосида қолган 22 та хонадон 6 та ташкилот раҳбарига бириктирилди. Уларнинг ижтимоий аҳволи ўрганилиб, зарур кўмак кўрсатилмоқда.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

УЙ ШАРОИТИДА ЛИМОН САҚЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?

Иссиқхонада лимон етиштириш орқали оила даромадини таъминлаётган хонадонлар кўплаб топилади. Лимон парваришидан тортиб, сақлашгача бўлган жараён билим, тажриба талаб қилади. Айниқса, уни уй шароитида сақлашнинг ўз қонун-қоидаси бор. Қуйида шу ҳақида маълумот берамиз.

Шуҳрат ОТАЖОНОВ,
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Ноябрь-декабрь ойларида узилган мева аввалги ва кейингиларига қараганда яхши сақланади. Чунки, лимон бу пайтда тўлиқ пишиб етилган бўлади.

Ҳосилни йиғиб олишда эҳтиёткорлик зарур. Узоқ вақт яхши сақланиши учун бандидан узиб олинмайди. Бунинг учун ток қайчида қирқиб олинади. Зарар етказмасдан салқин хонага (ҳосил кўп бўлганда) 15-20 см. қалинликда ёйилади. Дарахти тиконли бўлгани учун мевага зарар етиши мумкин. Буни ҳам эътиборга олиш керак. Акс ҳолда тикон кирган мева узоқ сақланмайди. Йиғиб олинган лимон ҳосили салқин хонада 3-5 кун усти очиқ ҳолда туради. Бу жараёнда ўзидан намлик чиқариб, озроқ сўлийди.

Саралаш жараёнида нуқсони борлари ажратилади, тилинган, тикан кирган, лат еган, банди узилгани ажратиб қўйилади. Банди 0,5 см. узунликда қолдириб кесилади. Шунда бир-бирига зарар етказмайди. Соғломларини махсус қутиларда сақлаш мумкин.

Бир-икки килограммлик елим халтага лимон меваси териб чиқилади. Сўнг устидан 2-3 сиқим олдингидан тайёрлаб қўйилган ёғоч қипиғи солинади. Охирида ҳаво кирмайдиган қилиб тугиб қўйилади. Қипиқ мева терлаганда ҳосил бўладиган намликни ютиб туради. Ёғоч қипиғини ҳаво иссиқ пайтида қуёшда қуритиб, йирик тишли элакда элаб, пана жойга олиб қўйилган бўлиши зарур.

Жараён якунлангач, елим халталар бир ёки икки қават қилиб салқин, қоронғу хонага териб чиқилади. Бунда 1-1,5 метр оралиқда юриш учун йўлак қолдирилиши зарур. Сақлаш давомида шу ердан юриб, меваларни назорат қилиб турилади.

Хона ҳарорати +5, +15 даража бўлиши керак. Вақтивақти билан хона ҳавоси ўзгартириб турилади. Агар текшириш пайтида 1-2 та зарарланган мева аниқланса, дарҳол олиб ташланади. Кейин елим халта оғзи қайтадан боғлаб қўйилади. Барча чора-тадбирлар тўғри қўлланганда лимон мевасини бу усулда март ойигача яхши сақлаш мумкин.





Ўзбекистон, Озарбайжон ва Қозоғистон Президентлари “ЯШИЛ” ЭНЕРГИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ва узатиш соҳасида стратегик шериклик тўғрисидаги битимни имзолади.



Давлатимиз раҳбари Боку шаҳрида ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ президенти Муҳаммад бин Сулаймон ал-Жассир билан учрашди.



Президент Шавкат Мирзиёев ЕВРОПА КЕНГАШИ РАИСИ Шарль Мишель билан учрашди.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

СУҲБАТ

Маҳалла масъул бўлган ҳар бир вазифада нуронийлар кўмаги ва иштироки бор

Эътибор берсангиз, Президент Шавкат Мирзиёев қайси вилоятга ташриф буюрса, энг аввало, ҳудуднинг нуроний оқсоқоллари ва ёшлари билан учрашади, улар билан дилдан суҳбатлашади, таклиф ва фикрларини эшитади. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, йиллар давомида дуч келган синовларда тобланган, яхши-ёмоннинг фарқига борадиган нуронийлар жамиятнинг ишончли таянчи ва устунларидир. Халқимиз уларга ишонади, насиҳатига қулоқ тутади.
Хўш, бугун юртимизда кекса авлод вакилларига қандай қулайликлар яратиб бериляпти? Уларнинг ҳаётий тажрибасидан ёшлар тарбияси, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда фойдалана оляпмизми? Ижтимоий фаоллик кўрсаткичи талаб даражасидами? Шу каби саволлар билан Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Содиқжон ТУРДИЕВга мурожаат қилдик.



— Содиқжон ака, бугун жамият тараққиёти ва фаровонлигини оширишдаги улкан лойиҳаларда нуронийларнинг ижтимоий фаоллиги ва ҳаётий тажрибасига катта эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда “Нуроний” жамғармасининг қандай чора-тадбирларни амалга ошираётгани хусусида гапириб берсангиз.

— Инсон ким ва қандай шароитда бўлмасин, доимо ҳамроҳ, ҳамфикрга эҳтиёж сезади. Бу, айниқса, муҳим қарорлар қабул қилишда яққол кўзга ташланади. Одам қабул қилаётган қарори тўғри эканини билса-да, кимдир қўллаб-қувватлашини, далда беришини истайди. Худди шунингдек, ҳар бир жамиятда шундай маслаҳатчилар бўлади. Уларни биз оқсоқоллар, зиёлилар, деб атаймиз. Бугун уларга ҳар доимгидан ҳам эҳтиёж катта. Сабаби, улар — жамият маёғи, ёшларга йўл кўрсатувчи.

Мамлакатимизда кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни соғломлаштиришни самарали ташкил этиш ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ижтимоий ҳаётда фаоллигини ошириш бўйича кўплаб хайрли ишлар амалга ошириляпти. Қатор ҳужжатлар қабул қилиниб, уларда белгиланган вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилаётир. Жумладан, кексалар учун туман ва шаҳарларда **“Нуронийлар маскани”** мажмуалари ташкил этилди, барча ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш йўлга қўйилди, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда нуронийлар жамоатчилик кенгашлари, маҳаллаларда **“Кексалар маслаҳати” гуруҳлари** ташкил этилди, **“Кексалар ҳафталиги”** ва **“Кексалар учун туризм ойлиги”**ни ўтказиш анъанага айланди.

Жорий йилнинг ўтган даврида **3,3 миллион нафар** нуроний бепул тиббий кўрикдан ўтказилди, **137 минг 105 нафари** дори-дармон ва озиқ-овқат билан таъминланди. **13 минг 768 нафари** сиҳатгоҳларда соғломлаштирилди, **14 минг нафардан зиёди**га реабилитация техник воситалари берилди, **20 минг 150 нафар** нуронийга бошқа турдаги моддий ёрдам кўрсатилди, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва якка-ёлғиз кексалардан **3 минг 70 нафари**нинг уй-жойлари таъмирланди.

“Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойили асосида маҳаллаларда катта ҳаётий ва амалий тажрибага эга бўлган обрў-эътиборли 13 минг 588 нафар нуронийга 116 минг 852 нафар ишсиз, тарбияси оғир ва муаммоли ёш бириктирилган ҳолда, тарбиявий ишлар ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Эътиборлиси, нуронийларга бириктирилган ёшлардан қарийб 92 мингга яқинининг ҳаёти изга тушди, уларни қийнаб келган масалаларга ечим топилди.

“Нуроний ҳар бир оилага масъул” лойиҳаси ҳам яхши самара бермоқда. Шу асосда муаммоли 13 минг 26 та оилага катта ҳаёт тажрибасига эга 13 минг 26 нафар отахон ва онахон бириктирилиб, мавжуд ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, оилаларни мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. Тарғибот ишлари натижасида 11 мингга яқин оилада ижтимоий барқарорлик таъминланди.

Нуронийлар жамоатчилик кенгаши ва маҳаллалардаги “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари 82 минг 275 марта **жамоатчилик назорати** тадбирини ўтказди. Маҳаллаларда **“Уч авлод учрашуви”** тадбирлари мунтазам ташкил этиляпти. Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу тадбирларда 3 миллион 170 минг 494 нафар аҳоли вакиллари қамраб олинди. Шунингдек, **ички туризм доирасида** 1,1 миллион нафардан зиёд нуронийнинг диққатга сазовор жойларга саёҳати уюштирилди.

— Президент Шавкат Мирзиёев нуронийларнинг маҳаллалардаги иштирокини алоҳида урғулаб, уларнинг кўмаги “маҳалла еттилиги” аъзоларинкидан кам бўлмаслигини қайд этганди. Айтингчи, бугун кекса авлод вакилларининг бу борадаги вазифа ва режалари нималардан иборат?

— Бугун маҳалланинг жамиятдаги мавқеи, ўрни ва аҳамияти тобора ортиб боряпти. Биргина мисол: “маҳалла еттилиги” ташкил этилиб, турли ижтимоий ёрдамларнинг маҳалла даражасида кўрсатилаётгани, ҳар қандай масаланинг ечими йиғиндан ташқарига чиқмаётгани, ишсизлик, миграция, камбағалликни қисқартириш билан боғлиқ жараёнлар айнан маҳалла кесимида ҳал этилаётгани бу тузилманинг инсонлар тақдиридаги ўрни нақадар муҳимлигини англатади.

Масаланинг маънавий-маърифий жиҳатига эътибор қаратадиган бўлсак, барча ижтимоий муносабатлар кесишадиган чорраҳа — айнан маҳалладир. Шу маънода тажрибали нуронийлар, зиёлиларнинг маҳалла ҳаётидаги фаол иштирокини даврнинг ўзи тақозо этяпти. Зотан, **нуронийлар бор жойда тотувлик, тартиб-интизом ва меҳр-оқибат мустаҳкам бўлади.**

Катта ҳаёт тажрибасига эга отахону онахонлар бугун маҳалланинг юзи, уларнинг ибратли ҳаёти, олиб бораётган ишлари ёшларга ўрнак бўлиб келмоқда. Биз, нуронийлар бирлашиб, бу фаолликни давом эттирсак, ёшларнинг дунёқараши кенгаяди ва соғлом фикрли авлодлар бўлиб улғаяди.

Айни пайтда нуронийлар маҳаллалардаги жараёнларда “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари, “Бувижонлар мактаби” жамоатчилик кенгашлари шаклида фаол иштирок этяпти. Йиғинлардаги тарбияси оғир ва уюшмаган ёшлар “Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойили асосида кексаларга, зиёлиларга бириктириб берилган.

Президентимизнинг жорий йил июль ойида Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Қўқон ва Марғилон шаҳарларида нуронийлар, имом-хатиблар, маҳалла фаолларидан иборат **Оқсоқоллар кенгаши** ҳамда **ота-оналар гуруҳлари**ни тузиш таклифи айни муддао бўлди. Мазкур кенгаш ва гуруҳлар мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутади. Чунки уларнинг ҳаётий тажрибаси ёшлар таълим-тарбиясида муҳим аҳамиятга эга.

— “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури жамиятимизда умуммиллий ҳаракатга айланди. Бу жараёнда одамларни боқимандалик кайфиятига берилмасликка, фаровон яшашга интилишга чорлаш учун нуронийлар аҳоли турмушининг қайси жиҳатларига эътибор қаратиши лозим, деб ҳисоблайсиз?

— Камбағаллик фақат қонунлар ва фармонлар чиқариш билан эмас, балки жамиятнинг умуммиллий сафарбарлиги, бирлиги, шундай истак ва интилиш билан яшаши ҳисобига камаяди. Шу маънода давлатимиз раҳбари жорий йил 11 сентябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида камбағалликни қисқартириш умуммиллий ҳаракатга айланишини таъкидлади. **Бу инсон қадрини улуғлаш йўлидаги муҳим тарихий қарордир!**

Аслида, инсон ҳар доим муносиб яшашга, фаровон турмуш кечиришга, бировдан кам бўлмасликка интилса, шу мақсадда изланишдан тўхтамаса, камбағаллик ҳолатига тушиб қолмайди. Зеро, **камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил — инсоннинг интилишидир.** Шу маънода биз токи одамларнинг дунёқараши, ҳаётга муносабатини тўғри шакллантира олмас эканмиз, демак, аждодларимизга хос бўлмаган боқимандалик, ўзибўларчилик каби иллатлар бизни узоқ йиллар камбағалликда ушлаб тураверади.

Шундай экан, биз, нуронийлар, энг аввало, одамларни боқимандалик кайфиятидан чиқиб кетишига кўмак беришимиз лозим. Бу тоифадаги шахсларнинг дунёқараши, фикрини ўзгартириш, ижтимоий фаоллигини кучайтириш зарурати бор. Қолаверса, ***“Камбағаллик кулфатдир, у бир одамнинг эмас, жамиятнинг, халқнинг камчилиги, хатоси, эътиборсизлиги, лоқайдлиги ҳосиласидир ва унга қарши кураш барчамизнинг бурчимиз”,*** деган қарашни ҳар бир инсон қалбига сингдиришни мақсад қилиб олишимиз зарур.

Камбағалликни қисқартиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар таҳлил қилинса, булар орасида барчамизнинг кўз ўнгимизда кенг оммалашаётган, халқимизнинг азалий урф-одатларига ёт бўлган дабдабабозлик, исрофгарчилик, кимўзарга тўй-маъракалар ўтказиш, ҳашаматли иморатлар солиш кабиларни келтириб ўтиш ўринли. Демак, нуронийлар, зиёлилар, маҳалла фаоллари бундай “ҳавасманд”ларни тўғри йўлга бошлаши зарур.

Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва республика нуронийларининг Ўзбекистон халқига йўллаган мурожаатида қайд этилганидек, биз барчани ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ҳар томонлама – нафақат моддий, балки маънавий, руҳий елкадош бўлишга чақирамиз.

Бугун ҳар бир инсон ўз ҳамюртининг биродари ва дўсти, опаси ва акасидек яқин бўлишини англашнинг айни фурсати келганини таъкидлашни истардим. Чунки камбағалликда яшаш инсонни ҳаётдан совитади, унинг эртанги кунга умидини сўндиради, уни бефарқ ва мақсадсиз одамга айлантиради. Бинобарин, бу муаммони бартараф этиш жамиятнинг барча аъзосига дахлдор масаладир.

— Суҳбатимиз ўз-ўзидан улкан жадид намояндаси Беҳбудий қайд этганидек, “бизни кемираётган иллатлар”га бориб тақалар экан, бир аср муқаддам мазкур ҳаракат сардорларининг исрофгарчилик, дабдаба каби салбий ҳолатларни қоралаб чиқишгани ёдга тушади. Афсуски, орадан шунча фурсат ўтса-да, бу иллатлар ҳамон кун тартибида турибди. Тажрибали раҳбар сифатида муаммонинг ечими, иллатнинг илдизини қаерда деб ўйлайсиз?

— Тўғри айтдингиз, тўйлардаги ортиқча дабдабабозлик, исрофгарчилик анчадан бери халқимизни ўйлантириб келаётган масалалардан бирига айланган. Ўзига тўқ, даромади яхши оилалар тўйларни серҳашам, дабдабали қилиб ўтказаётганини кўрган ёш йигит-қизлар ота-онасининг моддий аҳволини, оила бюджетини ҳисобга олмай, уларга ҳам шундай ҳашамдор тўй ўтказиб беришларини талаб қилаётганини барчамиз биламиз.

Тўйларимиз ҳақида сўз очилган экан, аввало, бундай ҳолатларнинг ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатишини англашимиз, азалий қадриятларимиз, миллий урф-одатларимизга ҳам зид эканини биз катталар тушуниб олишимиз лозим. Никоҳнинг муқаддаслиги, оила деган қўрғонни барпо этишда эр-хотин масъулияти катталигини англамасдан турмуш қуриш мумкин эмаслигини фарзандларимиз онгига сингдиришимиз шарт.



Тўй-маросимларни ихчам, тартибли, камхарж, исрофгарчиликсиз ўтказиш зарурати ҳақида муҳтарам Президентимиз кўп бора таъкидлаган. Сабаби, оқибати оғир, жамиятимизга, ҳаётимизга зарарли таъсири жуда аянчли. Биз тўй ва тантаналарни ўтказишдек масъулиятли вазифани ёшлар қўлига буткул топшириб қўйиб, катта хатоликларга йўл қўймаслигимиз лозим. Шу маънода, маҳалла фаоллари, ёши улуғ отахон-онахонларимиз халқимиз орасида бўлиб, бу борада кенг тушунтириш ишларини олиб бориши муҳим аҳамият касб этади.

Дабдаба ўрнига ихчам, сермазмун тўй ўтказилса, тежалган маблағ ҳисобидан ота-оналар сиҳатгоҳларда дам олиб даволанса, ўз фарзандларини тарихий масканларга саёҳатга олиб борса, бу зиёратлар ёшлар қалбига Ватанга муҳаббат, миллий ғурур туйғуларини тарбиялаш асносида уларнинг дунёқарашини кенгайтиради. Шу ўринда бир таклифни айтиб ўтай: ҳозирда маҳаллалар ҳузуридаги Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси тўйларнинг ихчам ўтишини таъминлашга ҳисса қўшяпти. Айни йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада ошириш, бу масалада маҳалланинг ваколатини кучайтириш, тўйларимизни чиройли, эсда қоладиган тарзда ўтказишни ташкил этиш мақсадида **маҳаллалар ҳузурида тўй комиссияси фаолияти йўлга қўйилса,** маросимлар ана шу комиссия назорати остида ўтказилса, хонадон соҳиблари шу комиссия билан бамаслаҳат тўйни бошлашса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўй-маърака — миллатимизнинг азалий қадриятлари ва анъаналарини намоён этадиган кўзгу. Шундай экан, уларни юксак маънавий мезонларга муносиб тарзда ўтказайлик. Бу эзгу ишга ҳамма бирдек бош қўшиши лозим, ҳеч ким ўзини четга олиши, менга бунинг дахли йўқ, деб лоқайд бўлиши мумкин эмас. Зеро, не-не машаққатларни, оғир кунларни бир жону бир тан бўлиб мардларча енгиб ўтган донишманд халқимиз одоб-ахлоқ мезонларига ҳам, муқаддас динимиз талабларига ҳам тўғри келмайдиган исрофгарчилик, шуҳратпарастлик, кибр каби иллатларга барҳам беришга-да қодир, деб ишонаман.

Тўй ва маросимлар шахсий иш эмас, мамлакат ва миллат тақдирига дахлдор ижтимоий аҳамиятга молик масала. Шундай экан, ҳар биримиз ўз ҳудудимизда тўй ва маъракалар, оилавий маросим ва бошқа тадбирларнинг ўтказилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда фаол иштирок этишимиз лозим.

— Оилавий ажралишлар, эрта никоҳ ва оилавий низоларнинг олдини олишда “маҳалла еттилиги” билан тенг бараварда ҳудуддаги нуронийлар, отинойилар фаоллик кўрсатяпти. Бироқ натижалар ҳамон кутилганидек эмас: ажралишлар камаймаяпти, қизларни ўқитишга эмас, узатишга шошган ота-оналар бор...

— Чиндан ҳам, бугун оилавий ажрашишлар жамиятдаги оғриқли нуқтага айланиб улгурди. Унинг сабаблари турлича: ёшларнинг дунёқараши тўғри келмайди, қайнона-келин келишмайди, ёшлар оила қуришга тайёр бўлмаган, йигитлар оилани бошқариш, рўзғорни моддий таъминлаш масъулиятини ҳис этмайди, қизлар уй бекаси, оналик вазифасини тушунмайди ва ҳакозо. Шундай бўлса-да, **ажралишларнинг оқибати деярли бир хил: ўртада етим болалар жабр чекади...**

Негадир айрим ота-оналар ҳали оила боқишга тайёр бўлмаган, бирор касб-корни эгалламаган фарзандини тезроқ уйлантириб қўйишга шошилади. Уларга келин бўлгувчи бировнинг гулдек фарзанди экани, уни ҳимоя қилиш, боқиш, едириш-ичириш, уй-жой билан таъминлаш эркакнинг вазифаси эканини ёшлигидан уқтирмаймиз. **Нега уни ҳақиқий эркак қилиб тарбия қилмаймиз?** Агар биз миллат эркакларини шундай тарбия қилганимизда эди, ожизага қўл кўтарганлар, бунинг ортидан келиб чиқаётган катта рақамлардаги ажралишлар бўлмасди.

Худди шундай, биз **негадир қизларимизни ёшлигиданоқ илм олишга, ўқиб-ўрганишга эмас, келинликка тайёрлаймиз.** Айрим оилаларда “Қиз бола ўқимаслиги керак”, “Ўқиб олим бўлармидинг”, “Қиз болага ўқишни ким қўйибди”, деган қарашлар ҳали-ҳамон борлиги ачинарли. Аслида, қиз бола бўлажак она эканини тасаввур қилсак, уни ўқитиш ҳаётий заруратга айланади. Зотан, фарзандлар тарбияси билан, асосан, оналар шуғулланади.

Бугун ҳатто битта оиланинг ажралишига бефарқ қараб туришга ҳаққимиз йўқ. Шундай экан, оилалар мустаҳкамлигига фақат маҳалла эмас, жамоатчилик, фаоллар, нуронийлар ғоят эътиборли бўлиши керак. Жамиятда оилага бўлган муносабатни ўзгартиришимиз, ажралишлар яхши оқибатларга олиб келмаслигини бола онгига мактабданоқ сингдиришимиз зарур.

Ёшлар оила аталмиш муқаддас даргоҳ остонасига қадам қўяр экан, **“Мен оила қуришга тайёрманми? Оилам мустаҳкамлиги учун қандай чоралар кўришим керак?”** деган саволларни ўзига берса, мустақил ҳаётга юзаки эмас, ўта жиддий масала деб қараса, оилаларда пайдо бўладиган баъзи бир нохуш ҳолатларнинг олди олинади.

Оилалар тинчлиги ва мустаҳкамлигида оила бошлиғи — **эркакларнинг ўрни ниҳоятда катта ва жуда масъулияти.** Чунки ҳаётнинг қийинчиликларини улар ўз елкаларига оладилар. Афсуски, амалиётда кўриб турибмизки, эркакларнинг оилавий муносабатларда ўз ўрнини йўқотиб қўяётган, яъни иккинчи даражага тушиб қолаётган ҳолатлар йўқ эмас. Отанинг оилада ўрни фақатгина моддият билан боғлиқ эмас. Унинг маънавий таъсири катта, албатта. Демак, жамиятда, оилада эркакларнинг ўрнини кучайтириш, ўғил болаларни шундай тарбиялаш лозим.

Келинг, қийналганда суянадиган, йиқилганда тиргак бўладиган, шодлигимизга ошно, ғамимизга шерик бўлган оиламиз борлигига шукр этайлик ва кўз қорачиғидек асрашга ҳаракат қилайлик.

— “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 20 минг якка-ёлғиз кексалар хонадонига 10 тупдан мевали дарахтлар экилиши белгиланди. Шунингдек, Президентимиз дарахт экиш нуронийлар, маҳалла фаоллари иштирокида кенг тарғиб қилинса, умуммиллий лойиҳа самараси бундан-да юқори бўлишини таъкидлади. Бу борада қандай ташаббусларга қўл урилди?

— Шу кунларда юртимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахт экиш ишлари авж палласига кирган. Юртимиздаги 3 миллиондан ортиқ нуронийлар маҳаллаларда кўчатларни намунали экишни ташкиллаштиришда фаоллик кўрсатяпти. Зотан, уларнинг шахсий намунаси, панду насиҳат, тавсия ва кўрсатмалари ёшлар учун муҳим. **Нуронийларнинг ҳар бири 1 тупдан кўчат экса, 3 миллиондан зиёд янги дарахт пайдо бўлади.** Ёки ҳар бири ўз ёнига 10 нафар ёшни жалб қилса, бу рақам 10 баробарга ошади. Бугун маҳаллалардаги умуммиллий лойиҳани ана шу жиҳатдан келиб чиқиб амалга оширяпмиз.

Шу ўринда нуронийлар, ёшлар, аҳоли вакилларига мурожаат қилиб айтаманки, **дарахт экиш ва уни парваришлашни мажбурият эмас, қадрият сифатида қабул қилайлик!** Ҳар биримиз келажак авлод олдидаги бурчимизни чуқур ҳис қилган ҳолда, “Яшил макон” лойиҳасини умумхалқ ҳаракатига айлантирайлик! Токи, биздан фарзандларимизга обод, яшилликка бурканган гўзал ва бетакрор Ватан мерос бўлиб қолсин!

Доно халқимизда “Яхшидан боғ қолади”, деган пурмаъно ҳикмат бор. Шундай экан, миллий қадриятларимизга содиқ қолган ҳолда, оилада фарзанд дунёга келганида унга атаб кўчат экиш, ҳашар йўли билан боғ-роғлар яратиш, иморатлар атрофини кўкаламзорлаштириш каби эзгу анъаналаримизга ҳамоҳанг тарзда ҳар бир хонадонда 20 туп кўчат экиш ва ўстириш ташаббусини илгари сурамиз. Шунингдек, ҳар бир фуқаронинг тўй ва бошқа яхши кунларида ниҳол экишни анъанага айлантирсак, бу ҳам ғоят савобли тадбир эмасми?

Айни вақтда, айрим маҳаллаларда, кўча ва гузарларда бўш турган, дарахт экилмаган жойлар ниҳоятда кўп. Маҳалла фаоллари, нуронийларининг эндиги вазифаси ушбу жойларни боғ-роғларга айлантиришда маҳалла аҳлининг ҳамжиҳатлигини кучайтириш, ҳудуд ободлиги ва аҳоли фаровонлигига хизмат қиладиган лойиҳаларни кенгайтиришдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир маҳаллада “маҳалла боғлари”ни яратишимиз, яшил ҳудудларни кўпайтиришимиз, шахсий намуна сифатида дастлаб ўз хонадонимиз ва кўчамизни обод қилишимиз зарур.

Экилган ҳар бир ниҳолни парваришлаш ва сақлашда маҳалла фаоллари, нуронийлар, “Маҳалла сервис компанияси” вакиллари жонбозлик кўрсатиши лозим. “Маҳалла еттилиги”, кўчабоши ва уйбошилар, хонадон эгалари, кекса авлод вакиллари бу борада жамоатчилик назоратини тўғри йўлга қўйсак, ҳар бир ниҳол парваришида масъулликни ҳис этсак, “Яшил макон” лойиҳасидан кутилган марраларга, албатта, эришамиз.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ суҳбатлашди.



“Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида”ги ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.



Ўзбекистон ва Россия Ҳукуматлари ўртасида САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК осойишталикни таъминлаш тўғрисидаги битим тасдиқланди.



Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисидаги 132-сонли Конвенцияси РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ.

ТАҲЛИЛ

Иқтидорлар изланиши, ташаббуси қўллаб-қувватланяпти

Нурота туманида 31 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларда жами 36 минг 890 нафар 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар истиқомат қилади. Жорий йил давомида Бандлик дастури ишлаб чиқилиб, тумандаги ишсиз ёшларнинг 464 нафари доимий ишга жойлаштирилди, 118 нафари касб-ҳунарга ўқитилди, 23 нафарига ер майдони, 24 нафарига субсидия, 34 нафарига тадбиркорлик учун имтиёзли кредит ажратилди.



Музаффар НАЗАРОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Нурота тумани бўлими бошлиғи.

Хали жамиятда ўз ўрнига эга бўлмаган, ишсиз ёшларнинг қизиқиш ва муаммоларини аниқлаш мақсадида уларни “оталиққа олиш” бўйича “хонадонбай” хатлов ўтказилди. Шунга асосан, 14-30 ёшдаги 20 минг 223 нафар ёш “яшил”, “сариқ” ва “қизил” тоифаларга бўлиб олинди. Улар билан индивидуал ишлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларига 8 минг 812 нафари бириктирилди. Суҳбатларда бу ёшларнинг 282 та муаммоси аниқланиб, бугунги кунга қадар 248 таси ижобий ҳал этилди, қолгани “Йўл харитаси”га киритилди.

Жорий йилдан уйма-уй юриб, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга ёрдам кўрсатиш ишлари кўламини янада кенгайтирдик. Хусусан, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож 448 нафар йигит-қизга “Ёшлар дафтари” орқали ижтимоий-иқтисодий кўмак кўрсатилди. Касблар ва хорижий тилларни ўрганиш, таълим тўлов-шартномаси, ҳарбий хизмат бадали, даволаниш харажатлари, меҳнат қуроллари ва бошқа ёрдам турлари шулар жумласидандир.



Туман бўйича “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизларнинг 13 нафари доимий ишга жойлаштирилди, 25 нафарига имтиёзли кредит ажратилди, 2 нафарига ижара харажатлари, 1 нафарига фуқаролик паспорти бадали қоплаб берилди. Шунингдек, 27 нафарининг туризм объектларига саёҳати учун меҳмонхона ва йўл харажатлари, 2 нафарига психологик хизмат кўрсатганлик, 2 нафарига илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги ўқиш харажатлари тўланди. 18 нафар йигит-қизга ер ажратилиб, 53 нафарига асбоб-ускуналар ва меҳнат қуроллари харид қилинди. Оилавий шароити ўрганилган ҳолда имконияти чекланган оила фарзандларининг 247 нафарининг тўлов-шартнома суммаларини тўлаш, 26 нафарини келажак касбларига ўқитиш, 21 нафарининг даволаниш харажатларини қоплаш ҳамда 3 нафарининг ҳайдовчилик гувоҳномаси бадалини тўлаш учун маблағ ажратилди.



“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида тумандаги 325 та камбағал оиланинг 710 нафар фарзандини қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, спорт тўгараклари, тил ўрганиш курслари, ўқув марказлари ҳамда касб-ҳунар марказларига жойлаштириш режалаштирилган.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг иқтидорини юзага чиқаришига кўмаклашиш — асосий вазифалардан. Бу борада беш босқичли “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг ўрни ва аҳамияти юқори. Унинг доирасида 19 минг 940 нафар маҳалла йигит-қизлари оммавий спорт турлари, 5 минг 236 нафари маданият ва санъат йўналишларида рўйхатдан ўтиб, фаол иштирок этиб келмоқда.

Сарҳисоб қилсак, вилоят босқичи якуний натижаларига кўра, маъданият ва санъат йўналишларида иккита 1-ўрин, спорт йўналишида учта 1-ўрин қўлга киритилган, жами совриндорлар сони эса 16 нафарни ташкил қилади. Хусусан, “Чуя” маҳалласидан Севинч Абдуқодирова спортнинг шашка турида Республика босқичида 3-ўринни эгаллаб, туманимиз фахрига айланди.

Умуман олганда, туман ёшлари уларга яратиб берилган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда, ўз иқтидори ва салоҳиятини камол топтиришга, келажакда қизиққан соҳасининг етук эгаси бўлиб етишишга шаҳд билан киришган. Уларни бу интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиляпмиз. Бу борадаги ишларимиз бир лаҳза бўлса-да тўхтаб қолмайди.

МАНЗАРА

Текин пишлоқ қопқонда бўлишини ҳар бир ёшга англатиш зарур

Маҳалладаги ёшлар билан ишлаш мен учун у қадар қийин кечмайди. Сабаби, йиғинда ёшлар билан боғлиқ бирор муаммо юзага келадими, тадбир ёки мусобақалар ташкил этиладими, ҳамиша кўнгилли йигит-қизлар ёрдамга шай туради. Ҳар бир кўчага сардор йигитларни тайинлаганман. Ёшлар билан юзага келадиган масалаларда уларнинг ёрдами менга доим асқотади.

Элбек АЛИБЕКОВ, Боёвут туманидаги “Бобоюрт” маҳалласи ёшлар етакчиси.



Ҳудуддаги ногиронлиги бор ёшларнинг лаёқатига қараб, қўлидан келадиган юмушларга жалб этамиз.

Маҳалламиз “драйвери”, асосан, қишлоқ хўжалигига ихтисослашгани боис ёшларга 54 гектар ер бўлиб берилди. Аҳрор Ўсганов, Азизбек Янгибоев ўзларига ажратилган ерга буғдой экишган. Ер сувли, тупроғи унумдор. Йигитлар буғдой етилгунча анча меҳнат қилишди. Даромадини ҳисоблаб, кўрилган соф фойдага янги тадбиркорлик ғояларини амалга оширишни ўйлаб қўйишган. Миграциядан қайтган ёшлар ҳудуддаги кластер хўжалиги ерида шоли экишганди, улар ҳозир ҳосилни йиғиштириш ишлари билан машғул.

Яқинда ҳудудда янги гидроэлектростанция — ГЭС қурилганди. Бу ерга ишсиз ёшларни жалб этганмиз. Ойлик маоши кўпчиликни қониқтирса-да, баъзилар уйида иссиқхона қуриб, ердан ҳам унумли фойдаланишнинг, қўшимча даромад топишнинг ҳадисини олишган. Қизлар учун туман марказида иккита тикувчилик цехи ишга тушди. Улар, аввало, иш ўрганиб, сўнгра ойлик маош олиб ишлаши учун шароит яратилган. Қўлида бирор касби ёки ҳунари йўқ қизларни ана шу тикувчилик цехларига йўналтирамиз.

Ҳудуддаги ногиронлиги бор ёшларнинг лаёқатига қараб, қўлидан келадиган юмушларга жалб этамиз. Мисол учун, бир нафар шундай ногиронлиги бор маҳалладошимизга Ёшлар иттифоқи кўмаги билан маҳалланинг марказидан жой ажратиб бердик. У турли мопедь, велосипедларни таъмирлаб, оиласига фойда келтиряпти.

Жорий йил ҳисобида маҳаллада 11 нафар йигит-қиз “оғир” тоифага киритилган. Улардан бир нафари қамоқ жазосини ўтаб қайтган, бир нафари мунтазам дарс қолдирувчи ва икки нафари ажралиш ёқасида турган ёшлардир, улар билан ҳозирда манзилли шуғулланяпман.

Олийгоҳда ўқиётган, мунтазам дарс қолдирувчи йигитнинг ҳолатини ўргандик. Маълум бўлдики, шартнома пулини тўлай олмагани учун дарс вақтида ишлаб, ўқишнинг тўловини қилмоқчи бўлган. Бундан хабар топганимиз заҳоти унинг 30 фоиз шартнома пулини тўлаб бердик.

Икки нафар ажралиш ёқасида турган ёшнинг уйига бориб, масаланинг моҳиятини ўрганиш асносида муносабатларнинг кескинлашувига учинчи шахс аралашуви сабаб бўлганини аниқладик. Мулоқотда ёшларнинг ажралиш истаги йўқлигини пайқадик. Улар билан “маҳалла еттилиги” вакиллари алоҳида суҳбатлашдик. Ёш келин-куёвнинг иккиси ҳам ўқиётгани, шаҳарга бориб туриши учун уй масаласи муаммо бўлаётганидан хабар топгач, уларни шаҳар марказидан ижарага уй олиб, жойлаштирдик. Ҳозир ёшлар ўқиб, дарсдан кейин ишлаб, тинч ҳаёт қурмоқда.

“Оғир” тоифадаги яна бир ёш ўғрилик сабаб қамалиб чиқди. Уни ҳунарли қилиш мақсадида тикувчилик бўйича мономарказда ўқитиб, сертификат олиб бердик. Илтимосига биноан, тикув машиналари сотиб олиб, уйига жойлаштирдик. Ҳозир уйида аёллар кийимини тикиб, харажатлари учун етарли даромад қилади.

Ёшлар билан ишлаш тажрибасидан келиб чиқиб, бир таклифни илгари сурмоқчиман. Истардикки, фаолиятида катта натижаларга эришган, тажрибали тадбиркор-деҳқонлар, уста-ҳунармандлар билан ёшлар учрашувини кўпроқ ташкил этиш керак. Улар ўз тажрибаси билан ўртоқлашса, ёшлар уларни кўриб, сабоқ олади, янги ишни бошлашда ўзларига ишончи мустаҳкамланади. Бу орқали ёшларни осон пул топиш фикридан қайтаришимиз, текин пишлоқ қопқонда бўлишини англатишимиз, ҳаётда фақат инсон ҳаракат, интилиш, изланиш, тажриба қилишдан қўрқмаслик эвазига натижага эриша олишини кўрсатишимиз мумкин.

СУРАГАН ЭДИНГИЗ...

Гулноза АБДУРАЗЗОҚОВА, Норин тумани:

— Мен мактабда 1,25 штат бирлигида ўқитувчи лавозимида ишлайман, яна бошқа жойда ўриндош сифатида 0,5 штатга ишлашимнинг иложи борми?

“1,25 СТАВКА ИШЛАЙМАН, ЯНА 0,5 СТАВКА ЎРИНДОШ БЎЛА ОЛАМАНМИ?”

Азамат КАМОЛОВ, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари:



— Ўриндошлик асосида ишлаш чоғида ўриндош сифатида ишлашнинг давомийлиги ходимларнинг мазкур тоифаси учун белгиланган иш вақти нормасининг ярмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас (бундан соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларининг шифокор ходимлари мустасно). Яъни ходим ўриндошлик асосида ишлаш учун бораётган ишининг ярим ставкасигача ишлаши мумкин. Сизнинг ҳолатингизда ўқитувчи ўзининг мактабида 0,25 асосда ўриндошлик ишида ишлаш орқали ярим ставкалик лимитни тенг ярмидан фойдаланиб бўляпти. Энди бошқа мактабга бораётган пайтда қолган 0,25 ставкасидангина фойдаланиши мумкин. Яъни 1,25 ставка асосда ишлаётган ходим 0,5 ставкага ишга олинмайди.

Қонунчиликда фақат мусиқа санъати бўйича профессионал таълим ҳамда олий таълим тўғрисидаги ҳужжатга эга бўлган, камида 3 та миллий мусиқа чолғуларида маҳорат билан куй ижро эта оладиган мутахассисларни асосий иш жойидан бўш вақтида у ердаги меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини сақлаб қолган ҳолда, ўриндошлик асосида мактабларда мусиқа фани ўқитувчиси ва мусиқа йўналишидаги тўгарак раҳбари лавозимига тўлиқ ставкада ишга қабул қилишга рухсат берилади. Қолган тоифадаги ўқитувчиларга бундай имтиёз берилмаган.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Талаба жамоат ишига мажбурий жалб этилади, қачонки...

Н.НОДИРОВ. Тошкент шаҳри.

— Ўзим талабаман, яқинда адашиб, билмаган ҳолда хато иш қилиб қўйдим. Шу боис иқтисодий жиноятда айбланиб судландим. Суд талаба эканим, мен содир этган хатолик оғир ижтимоий аҳамиятга эга эмаслигини инобатга олиб, менга мажбурий жамоат ишларида қатнашишни юклади. Айтингчи, бу жазо ўқишимга таъсир кўрсатмайдими?

Фазлиддин ЁДГОРОВ, Тошкент шаҳар судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати судьяси:

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 28-1-моддасига асосан, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш ҳуқуқбузарнинг ижтимоий фойдали жамоат ишларини бажаришини англатади.

Уни судлар саккиз соатдан икки юз қирқ соатгача бўлган муддатга тайинлайди. Агар ҳуқуқбузар ўқиётган бўлса, жамоат ишлари ўқишдан бўш вақтда бажарилади.

Бундай жамоат ишлари пенсия ёшига етган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга, доимий ишга эга шахсларга, ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Ҳуқуқбузар жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд ўталмаган муддатни ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг тўрт соати учун маъмурий қамоқнинг бир кунига тенг жазо билан ёхуд ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг саккиз соати учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварига тенг жарима билан алмаштиради. Маъмурий қамоқнинг муддати ўн беш суткадан, жариманинг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ошмаслиги керак.



2025 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига бу йилгидан 20 ФОИЗ КЎП МАБЛАҒ ажратилиши кўзда тутилмоқда.



Тошкентда умумий узунлиги 18 километр бўлган яна 7 та кўчада АВТОБУС ЙЎЛАКЛАРИ жорий этилади.



БАА компанияси Ўзбекистонда 1000 мегаватт қувватли ШАМОЛ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ қуради.

ЖАРАЁН

Ўзаро ҳамкорлик ва уйғун ҳаракат натижалар юқорилигини белгилайди

Маҳалла тизими зиммасига юкланаётган бир-биридан муҳим вазифаларга мос равишда кенг ҳуқуқ ва ваколатлар ҳамда зарур моддий-техник имкониятлар яратиб берилмоқда. Бу борада маҳалла раисларига муҳим ваколатлар ҳам берилганки, бу шубҳасиз, уларнинг халқимиз, жамоатчилигимиз ўртасидаги обрў-эътиборини оширишга хизмат қилади.



Зоир ТУРДИЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Пайариқ тумани бўлими бошлиғи.

Маҳалла раиси ҳудуддаги ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори фаолиятини ўзаро ҳамкорликда, уйғун ҳолда ташкил этиш учун масъул этиб белгилангани бир мушт бўлиб, аниқ мақсад сари биргаликда ҳаракат қилиш, кўпроқ амалий натижаларга эришиш имконини беради. Бу борада жорий йил Пайариқ туманида “Алиобод”, “Қирқовул”, “Баҳор”, “Навбаҳор”, “Мустақиллик” маҳаллалари биноси ҳомийлар ва ҳашар йўли билан замон талабларига мос равишда янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, “Халқобод”, “Жувозхона”, “Кўпаки”, “Накурт” маҳалласига янги идора қурилмоқда. 40 та маҳаллага замонавий компьютер, 35 тасига планшет, 20 тасига нусха кўчирувчи қурилма жамланмалари харид қилинди.

Тумандаги 65 та маҳаллада аҳоли муаммоларини ҳал қилиш, “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ёшлар билан ишлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини самарали ташкил этиш йўналишларида ташкилий-услубий кўмаклашиш ишлари олиб борилди. Бу жараёнда дастлаб аҳолининг демографик ва ижтимоий ҳолати, таълим, ижтимоий соҳа объектларига доир жами 25 та йўналиш, 401 та кўрсаткич бўйича барча маҳаллаларнинг баланси шакллантирилди.

Маҳаллалардаги хатлов натижасида 1 444 та кўча ва 51 780 та хонадон ўрганилди, 180 та муаммо аниқланиб, уларнинг 165 таси ҳал этилди. 6 723 нафар ишсиз ҳамда шу йилда умумтаълим мактабини тамомлаётган 3 269 нафар битирувчининг бандлигини таъминлаш бўйича маҳалла, сектор, туман ва вилоят кесимида Бандлик дастурлари тайёрланди.

Шунингдек, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 208,9 км. тупроқ йўлларга шағал ётқизилиб, 39 километри асфальтланди. 93 та трансформатор таъмирланиб, 9 таси янгиланди. 368 та симёғоч алмаштирилиб, 264 та қўшимча устун ҳамда 309 та тунги ёритгич чироқ ўрнатилди. 800 метр газ тармоғи тортилиб, аҳолига 234 582 дона суюлтирилган газ баллони етказиб берилди. 18,7 км. ичимлик сув тармоғи тортилиб, 2 та ичимлик сув иншооти ўрнатилди. 129 та қабристон ободонлаштирилиб, 48 км. узунликдаги ариқ, канал ва зовурлар тозаланди.

Бундан ташқари, 15 850 нафар аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилиб, 21 нафарида жарроҳлик амалиёти бажарилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг 1 650 нафарига моддий ёрдам, 397 нафарига ногиронлик аравачаси, 128 нафарига протез-ортопедия, 728 нафарига бепул дори-дармон, 1 250 нафарига озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди.

“Маҳалла еттилиги” ходимларининг билим, малака ва кўникмалари мунтазам оширилмоқда. Улар учун махсус дастурлар асосида ўқув-семинарлар ташкил этилиб, маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси тайёрлаган ўқув-услубий қўлланмалар етказиб берилмоқда. Шунингдек, “Ижтимоий профилактика” тизими борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш бўйича “қизил” тоифадаги 8 та “маҳалла еттилиги” учун ўқув-семинар ўтказилди.

Профилактика инспекторлари учун янги қурилган маҳалла идорасидан алоҳида хизмат хоналари ажратилиб, мебель жиҳозлари ҳамда моддий-техник воситалар билан таъминланди. Бундан ташқари, “Гўзал”, “Фаровон” ва Х.Исмоил номидаги маҳаллаларнинг кириш қисмига кузатув камералари ўрнатилди.

Муҳими, тўғри йўлдамиз, қилинадиган, қиладиган ишларимиз кўп. Ўйлайманки, барчасига бирлашиб эришамиз.



ҲОЛАТ

ЕР УЧАСТКАЛАРИ ҚАНДАЙ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛАДИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларига доимий фойдаланиш (эгалик қилиш), ижара ёхуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш “Yerxususiylashtirish” ААТ орқали амалга оширилади.

Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларига доимий фойдаланиш (эгалик қилиш), ижара ва мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишга доир маъмурий Регламент тасдиқланган.

Ушбу Регламент қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайди. Унга кўра, ер участкаларини хусусийлаштириш учун ариза берувчилар ҳудудидаги Давлат хизматлари марказларига мурожаат қилишлари ёки давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП)да рўйхатдан ўтади.

Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилганда Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилганда эса ариза берувчининг ўзи мустақил ариза тўлдиради. Агар хусусийлаштириладиган ер участкаси улушли ёки биргаликдаги эгалик қилишда (фойдаланишда) бўлса, ариза барча эгаларнинг (фойдаланувчиларнинг) фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ тузиладиган келишувига биноан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса суд белгилаган тартибда ушбу Регламент талаблари асосида берилади.

“Yerxususiylashtirish” ААТ аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ариза келишилганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олган хабарномани шакллантиради ва уни ЯИДХП ёки Давлат хизматлари маркази орқали ариза берувчига юборади. Ариза берувчи тўлов юзасидан хабарномани олган кундан бошлаб ўн иш куни ичида ер участкасини хусусийлаштириш учун тўловни амалга ошириши зарур.

Давлат хизматлари маркази давлат ордери ва Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма олганидан сўнг реал вақт режимида уларни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва бу ҳақида ариза берувчини ахборот-коммуникация технологиялари орқали хабардор қилади.

Диёр ОБИДОВ,
Яккасарой тумани адлия бўлими Давлат хизматлари маркази директори.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

“Ўсиш нуқталари” аниқлангач, солиқ тушумлари ортди

Бугунги кунда солиқ инспекторлари “маҳалла еттилиги”нинг иқтисодий таянчи бўлиб, ҳудуднинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, солиқ тушумларини кўпайтириш йўлларини излаяпти. Бунинг учун, аввало, маҳалласидаги тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашмоқда.

Давлатбек НИЗОМИДДИНОВ, Кўрғонтепа туманидаги “Пахтачи”, “Мустақилликнинг 15 йиллиги” ва Мирзо Улуғбек номидаги маҳаллалар солиқ инспектори.



Менга бириктирилган маҳаллаларда қўшимча манбаларни аниқлаш ҳисобига маҳаллий бюджетга тушумлар кўпаймоқда. Ҳар бир маҳалланинг “ўсиш нуқталари” аниқланиб, солиқ тўловчилар сони ортмоқда. Масалан, “Пахтачи” маҳалласида тўқимачилик корхоналар сони тўрттага етди. Ишчилар сони 250 нафарни ташкил этмоқда. Йиғинда тадбиркорлик, ҳунармандчиликнинг мебелчилик ва тунукасозлик йўналиши кенг ривожланяпти. Мирзо Улуғбек номидаги маҳаллада 2 та тўқимачилик корхонаси бўлиб, унда 150 нафар аҳоли меҳнат қилмоқда. Бу ерда ҳам тадбиркорлик, савдо-сотиқ билан шуғулланувчилар кўп. Туман марказидан бироз четроқда жойлашган “Мустақилликнинг 15 йиллиги” маҳалласи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чорвачиликка ихтисослашган. Йиғин ҳудудида сут ва гўшт маҳулотлари етиштирувчи иккита наслли чорва фермаси бор.

Ҳозир учта маҳаллада ишлаб чиқариш корхоналари ва фермер хўжаликларини ҳисоблаганда 54 та юридик шахс, 60 та якка тартибдаги тадбиркор, 150 т а деҳқон хўжалиги фаолият юритмоқда. Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сони етти юз нафарга яқин.

Ўтказилган хатлов натижаларига кўра, 24 та ноқонуний фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектининг қонуний фаолият кўрсатишига кўмаклашдик. 21 та корхонада норасмий меҳнат қилаётган 62 нафар ишчининг расмий бандлиги таъминланди. Вақтинчалик молиявий қийинчиликка дуч келган 17 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти тикланди. Қўшимча 35 та объект аниқланиб, 50,1 млн. сўм солиқ ҳисобланди. Шу тариқа 100,7 млн. сўм қўшимча манба топилди.

Биз, солиқ инспекторлари нафақат солиқ тушумларини ошириш билан, балки “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида аҳоли ўртасида солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳамда солиқ ислоҳотларини тушунтиряпмиз. Натижада одамларнинг солиққа оид билимлари яхшиланиб, солиқ тўловларини ўз вақтида тўлашга ҳаракат қиляпти.

Тадбиркорликка қизиқувчи ёки тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаётган, ҳуқуқий ва иқтисодий қийинчиликларга дуч келаётган тадбиркорлик субъектлари билан манзилли ишлаяпмиз. Уларга онлайн назорат-касса машиналаридан мунтазам тарзда фойдаланиш, харид чекларини бериш, ишчи-ходимлар сонини яширмаслик, ҳисоботларни ўз вақтида топшириш, камчилик ва хатоликларга йўл қўймаслик кераклигини тушунтиряпмиз. Мавжуд муаммоли масалалар сектор раҳбари ва “маҳалла еттилиги” кўмагида ҳал этилмоқда.

Бугун солиқ ислоҳотларининг амалий натижасини ҳар бир фуқаро, тадбиркор кундалик ҳаётида сезиши шарт. Шу боис солиқ тўловчиларга яратилаётган қулайликлар билан бирга, мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган солиқ тушумларнинг 10 фоизи “Маҳалла бюджети”да қолишини, ушбу маблағлар маҳаллада янги иш ўрни яратишга, аҳолининг оғирини енгил қиладиган лойиҳаларга йўналтирилиши ҳақида маълумот берилмоқда.

Келгуси режаларимиздан бири, мазкур маҳаллаларда саноат, ишлаб чиқариш, маиший ва хизмат кўрсатиш ҳамда савдо йўналишларини янада кенгайтириш орқали “маҳалла бюджети” тушумларини кўпайтиришдир. Бу борада йиғинларда имконият ва шароитлар мавжуд.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Даврон ТЎРАЕВ.
Тошкент шаҳри:

– Мен якка тартибдаги тадбиркорман, бир ўзим ишлайман. Менинг даромадим 100 млн. сўмдан ошди. Қайси ҳисоботларни топширишим керак?

ДАРОМАД 100 МЛН.ДАН ОШСА, ҚАЙСИ ҲИСОБОТ ТОПШИРИЛАДИ?

Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ, Солиқ қўмитаси бош инспектори:



– Якка тартибдаги тадбиркорнинг даромади 100 млн. сўмдан ошса, у қатъий белгиланган миқдордаги даромад солиғини тўлашдан айланмадан олинадиган солиқ тўлашга ўтади. Унга кўра:

– умумбелгиланган ставка – 4 фоиз;

– электрон тижорат учун – 2 фоиз;


– 5-тоифа туманлардаги якка тартибдаги тадбиркорлар учун – 1 фоиз бўлади.

Бу ҳолда ҳар ойнинг 15-санасига қадар солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали айланмадан олинадиган солиқ бўйича ҳисобот топшириш керак. Агар якка тартибдаги тадбиркорнинг ёлланма ходимлари бўлмаса, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ЖШОДС) бўйича ҳисобот топшириш шарт эмас.

Якка тартибдаги тадбиркор ҳар ойнинг 15-санасидан кечиктирмай ўзи учун 38-код бўйича ижтимоий солиқни шахсий кабинет ёки “Soliq” мобил иловаси орқали тўлайди. Агар якка тартибдаги тадбиркорнинг ёлланма ходимлари бўлса, у ҳар ойнинг 15-санасидан кечиктирмай жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ бўйича ҳисоботни топшириши ҳамда улар учун 46-код бўйича даромад солиғи ва 38-код бўйича ижтимоий солиқни тўлаши керак.



ДХХ: Тожикистон ва Қирғизистондан контрабанда йўли билан келтирилган қарийб 65 кг. “гашиш” гиёҳвандлик воситаси мусодара қилинди.



1,1 миллиард сўмлик электр энергиясидан НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ ҳолати аниқланди.



Январь-сентябрь ойларида банклар 31,9 триллион сўмлик МИКРОҚАРЗЛАР АЖРАТГАН.

ЖАРАЁН

Боқимандалик кайфияти барҳам топди, тадбиркорлик руҳи уйғонди

Янги Ўзбекистонда давлатнинг ижтимоий сиёсати туман ёки шаҳардан эмас, балки энг қуйи бўғин – маҳалладан бошланишни белгилаб берилди. Халқ билан самарали мулоқот йўлга қўйилди. Одамлар дардини эшитадиган тизим яратилди. Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Айниқса, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурларининг самарасини бугун ҳар бир инсон ўз ҳаётида яққол ҳис этмоқда.



Отажон КУРАМБОЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хонқа тумани бўлим бошлиғи.

Биргина жорий йилда ушбу дастурлар доирасида тумандаги “Ширин” маҳалласида 145 та таъмирталаб хонадон таъмирланди, 1 километр ички йўллар асфальт қилиниб, маҳалланинг асосий кўчасига тунги ёритгичлар ўрнатилди. 500 метр электр тармоқлари тортилиб, 1 та таъмирталаб трансформатор янгисига алмаштирилди. Натижада одамларнинг яшаш шароити яхшиланди.

Ҳар бир инсон, ҳар бир оила тўкис ҳаёт кечириши учун Ватан ичра кичик ватани – ўз уйи бўлиши керак. Шу жиҳатлар эътиборга олиниб, мамлакатимиз аҳолисини уй-жой билан таъминлаш, арзон ва сифатли уйлар қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Хонқа туманида “Янги Ўзбекистон” массиви барпо этилди. Массивда 46 та 1 228 та хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар 29 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди.

Туманда ишсизликка барҳам бериш, камбағалликни тугатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳаллаларда тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида 7 мингдан ортиқ аҳоли ишли бўлди. Маҳалла кўмаги билан 1 800 нафарга яқин ишсиз фуқаро тадбиркорга айланди. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури асосида 1 минг 539 нафардан зиёд фуқарога кредит олишга кўмаклашилди. Юзлаб йигит-қиз “устоз-шогирд” анъанаси асосида уста-ҳунармандларга бириктирилди. “Темир дафтар”га киритилган аҳоли оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, ҳақ тўланадиган жамоат ишлари, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқа соҳаларда ишлай бошлади. “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, “Ёшлар дафтари” орқали йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида самарали натижаларга эришилмоқда. Энг муҳими, боқимандалик кайфияти ўрнини тадбиркорлик руҳи эгаллади. Ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётини яхши томонга ўзгартиришга, фаровон яшашга интилмоқда.



Кейинги йилларда Президентимиз қайси вилоятга бормасин, албатта, маҳаллага киради, мактаб, боғчани кўради, оддий одамлар ҳаёти билан қизиқади. Натижада ана шу тизим одамларга катта куч-ғайрат, бугунги ислоҳотлар мазмундорлигига ишонч бағишламоқда. Сабаби, бу каби дил-дан, самимий суҳбатларда кутилмаган масалалар кун тартибига чиқади.

Маҳаллаларга маънавият қайтди. Биргина ўтган йилнинг ўзида маҳаллаларда ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб этишга қаратилган 2000 мингдан кўпроқ тарғибот тадбирлари ўтказилди. Бу тадбирларга ўн минглаб кекса авлод вакиллари ҳамда 11 мингдан ортиқ ёшлар жалб этилди. Маҳаллаларда китоб-савдо ярмаркалари ўтказилди.

“Ҳар бир нуроний ўн нафар ёшга масъул” тамойили асосида нуронийлар тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож ва уюшмаган ёшларга маънавий ҳомий сифатида бириктирилди. Натижада маҳаллада китобхон ёшлар сони кўпайди.

Маҳалла раисларининг ҳуқуқ ва ваколатларини янада ошириш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига эътибор кучаймоқда. Эндиликда маҳалла раислари ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим, солиқ инспектори ва профилактика инспектори фаолиятини ҳудудда биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни бартараф этишга йўналтиради. Маҳалладан туриб барча давлат органларига мурожаат қилиш ва уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилиш тизими яратилди. Маҳаллаларга мустақил молиявий имкониятлар берилди. Шу билан бирга, маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари” белгиланиб, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, иш билан таъминлаш асосий устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида аҳоли манфаати учун хизмат қилиши, давлат ва жамият ўртасидаги кўприкка айланиши лозим.

СУД ҲУКМИ

ЭРКАЛАСА ОТА-ОНАСИ, ТАЛТАЯДИ БОЛАСИ

Ота-она энг яхши нарсаларни фарзандларига раво кўради. Биз қийналдик, фарзандларим қийинчилик кўрмасин, дейди. Аслида, бизларни меҳнатсеварлик, тиришқоқлик ва пухталик, исрофгарчиликка берилмаслик, сабр-қаноат, режали иш қилишга ўргатган нарсалар айнан ўша қийинчиликлар эмасми?!

Яхши ният билан ўғиллари Шерзодга “Lacetti” автомашинасини олиб берган ота-она хато қилишганини кеч англашди. Бироқ ғишт қолипдан кўчганди. Шерзод эртадан кечгача автомашинасида ўртоқлари билан шаҳар айланиб, кунларини таралла-бедод ўтказишга ўрганди. Ота-онасига ишлаяпман, деб турли баҳоналарни ўйлаб топиб, алдаб юрди. Улар Яшнобод тумани ички ишлар бўлимига чақирилгандагина фарзанди нима қилиб юрганидан хабар топишди.

Аввалига ишонишмади. Лекин далилий ашёларни инкор қилиб бўлмайди. Воқеа тафсилотлари ҳақида Яшнобод тумани ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими катта терговчиси, капитан Сирожиддин Зайниев қуйидагиларни маълум қилди.

– Шерзод таниши Иброҳим билан жиноий тил бириктириб, 2023 йил 2 январь куни тунги соат 01:30ларда Чилонзор туманида изғиб юришади. Улар Ж.Садиновга тегишли бўлган, қаровсиз қолдирилган “Lacetti” автомашинасининг 1 млн. 984 минг сўмлик иккита ғилдирагини ечиб олиб, жуфтакни ростлашади. 2024 йилнинг 5 январида тунги соат 02:00ларда Яшнобод тумани Ховос кўчасида Ш.Боймировга тегишли “Cobalt” автомашинасининг 7 млн. 500 минг сўмлик 4 дона ғилдирагини дисклари билан ўмариб кетишади. Иккиси жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Яшнобод тумани Фарғона йўли кўчасида Д.Убайдовга тегишли бўлган “Lacetti” автомашинасининг 600 АҚШ долларилик 2 дона ғилдирагини ўғирлашади.

Жиноят ишлари бўйича Яшнобод тумани суди очиқ суд мажлисида 2002 йилда туғилган Шерзод ва Иброҳимларнинг қилмишларини қонунан кўриб чиқиб, ўғрилик билан айбли деб топиб, ҳар иккисига 2 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Нилуфар ИСОХОНОВА,
Тошкент шаҳар ИИБ
Ахборот хизмати бошлиғи.

ТАШАББУС

“ЯШИЛ МАКОН” – ТАБИАТНИ АСРАШ ЙЎЛИДАГИ ХАЛҚ БИРДАМЛИГИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хоразм вилояти бошқармаси ташаббуси билан “Яшил макон” умуммиллий дастури доирасида Урганч туманидаги “Ғалаба” маҳалласида кузги кўчат экиш тадбирларини ташкил қилиш масалаларига бағишланган кўргазмали амалий семинар ўтказилди.

Унда вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимов иштирок этиб, Оролбўйи минтақасида жойлашган воҳанинг ҳар бир маҳалласида яшил майдонлар ташкил этилишини айтди. Шу боис кўчат экиш тадбирларига алоҳида масъулият билан ёндашиш, экилган кўчатларни парваришлаш, суғориш тизимини йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Семинар давомида “Маҳалла боғи” ташкил этилиб, 2 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оила – Ҳамдам Кенжаев ва Абдулла Қутлиев хонадонларига бириктириб берилди. Бу орқали мазкур оилаларнинг иқтисодий имконияти ортиши кўзда тутилган.

Шунингдек, “Яшил макон” лойиҳаси асосида **Боғот туманидаги “Ашхобод” маҳалласида 2 гектару 40 сотих ер майдонида “Ёшлар боғи” ва “Маҳалла боғи”**ни ташкил этишга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Шундан сўнг, семинар иштирокчилари ҳудуд иқлим шароитидан келиб чиқиб, тавсия қилинган 3 минг туп мевали дарахт кўчатларини экишди.

Хоразм вилояти маҳаллаларида кузги кўчат экиш тадбирлари давом этмоқда.

Латофат ЮСУПОВА,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хоразм вилояти бошқармаси ахборот хизмати раҳбари.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

Ҳудуддаги тунги клуб ва чойхона — “қизил нуқта”

Сўнгги йилларда мамлакатимизда энг қуйи бўғиндаги вазият ва муаммоларни чуқур ўрганиш асосида ҳар бир маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биз, профилактика инспекторларининг бевосита жойларда самарали хизмат ўташимиз учун муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратилиб, соҳага рақамли технологиялар, хорижнинг илғор тажрибаларига асосланган замонавий иш юритиш воситалари, сунъий интеллект ёрдамида фаолият кўрсатадиган ахборот-маълумот тизимлари жадал татбиқ этилмоқда.

Карим РАШИДОВ,
Жиззах шаҳридаги “Сангзор” маҳалласи профилактика инспектори.

Шаҳсий уйим саккиз километр нарида, Шароф Рашидов туманида бўлса-да, лекин оилам билан “Сангзор” маҳалласидаги хизмат уйимда яшаб, ишлаяпман. Бу, ўз навбатида, кечаю кундуз шу ҳудудда бўлиб, ҳар бир хонадон билан самарали ишлаш, маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

“Сангзор” маҳалласи шаҳар марказида жойлашган. Бу ерда турли давлат идоралари, иккита умумтаълим мактаби, 3 та давлат, битта хусусий боғча бор. Уч мингдан ортиқ аҳолининг 44 фоизи айни шу ташкилотларда меҳнат қилади. Аксарият хотин-қизлар гилам цехида ишлайди.

Ҳудуддаги тунги клуб ва чойхона “қизил” нуқталаримиздан. Чунки бу ерда аҳоли доим гавжум бўлиб, ҳуқуқбузарлик содир этилиш эҳтимоли юқори. Айнан чойхонадаги спиртли ичимлик ҳамда автомобиль олиб қочиш билан боғлиқ жиноят сабаб,



ноябрь ойида “яшил” тоифадан “сариқ” тоифага тушдик. Биласиз, ҳудудда битта жиноятчилик қайд этилса ҳам тоифамиз ўзгариб, ойлаб ишлаган машаққатли меҳнатимиз йўққа чиқади. Шунинг учун нотинч, жиноятчиликка мойиллиги бор ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан янада жиддий ишлаяпмиз. Бунинг учун, аввало, фуқаролар билан доимий мулоқотда бўлиб, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, жиноятнинг салбий оқибатларини амалий мисоллар ёрдамида тушунтиряпмиз. Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаб, “маҳалла еттилиги” ва жамоатчилик тузилмалари билан биргаликда уларни бартараф этиш чораларини кўряпмиз.

Жиноятчиликнинг асл илдизи кўп ҳолларда бекорчиликдан келиб чиқади. Шу боис “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда ишсиз аҳолини ишли қилишга, ёшларнинг ўзи қизиққан бирор касб-ҳунар, спорт ёки санъат билан шуғулланишини таъминлаяпмиз. Бу борада ёшлар етакчиси ташаббуси билан спорт мусобақалари, турли танлов ва маданий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Маҳалла ҳудудида жойлашган Жиззах вилоят қўғирчоқ театри, Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги боғ ёшларнинг энг севимли масканларидан бирига айланган. Иккита мини стадион футбол ишқибозлари билан гавжум.

Асосий вазифамиз – маҳаллада тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Шу боис 14 та кўчанинг асосий учтасига, тадбиркорлик объектларига видеокузатув қурилмалари ўрнатилди. Фуқароларнинг талабларидан келиб чиқиб, хонадонлари Миллий гвардиянинг қўриқлаш хизматига уланмоқда. Жиноятларнинг аксарияти тунги вақтда содир бўлишини инобатга олиб, барча кўчалар ёритгич чироқлари билан таъминланди. Кечки 20:00 дан эрталаб 7:00 гача патруль-пост ходимлари билан тунги назорат кузатув тадбирларини олиб боряпмиз.

Келгусида барча видеокузатув камераларни хизмат хонамга интеграция қиламиз. Натижада бир вақтнинг ўзида бутун ҳудудни кузатиш имкони бўлади. Давлатимиз раҳбари айтганидек, маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади. Ана шу тинчликни таъминлаш учун кеча-кундуз бор билим ва тажрибаларимни ишга солиб, Ватан, халқ хизматига шаймиз.



“МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ТЎҒРИСИДА”ги қонун татбиқ этиладиган идора ва ташкилотлар рўйхати шакллантирилди.



Ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкалари бўйича ХАТЛОВ БОШЛАНДИ.

Ўзбекистон ХАЛҚАРО ЭЛЕКТРОТЕХНИКА КОМИССИЯСИнинг техник қўмиталарига доимий аъзо бўлди.

ИМКОНИЯТ

РЕАБИЛИТАЦИЯ ВОСИТАСИ УЙИНГИЗГА ОЛИБ БОРИЛАДИ



Сизга протез-ортопедия мосламалари ёки реабилитация воситалари керакми? Унда маҳалладаги ижтимоий ходимга мурожаат қилинг!

Гап шундаки, жорий йилнинг февраль ойида Президентнинг **“Муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарорига мувофиқ, бундай тоифадаги шахслар учун протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация воситаларини **ваучер асосида** электрон тижорат орқали олиш тизими йўлга қўйилган эди.

Ушбу тизим муваффақиятли тажрибадан сўнг 1 октябрдан республиканинг барча ҳудудларида ишлаб келмоқда. 1 ноябрдан бошлаб муҳтожликни аниқлаш ишлари янада фаоллашди.

Маҳсулотлар қуйидаги шахсларга бепул тақдим этилади:

✓ *ногиронлиги бўлган шахсларга (тиббий-ижтимоий экспертиза хулосаси асосида);*

✓ *пенсия ёшидаги ногиронлиги бўлмаган шахсларга (Врачлик маслаҳат комиссиясининг тиббий хулосаси асосида).*

Фуқаролар қаерга мурожаат қилишлари зарур?

✓ *ўзлари яшаётган туман (шаҳар) даги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига;*

✓ *ўз маҳалласидаги ижтимоий ходимга мурожаат қилиши мумкин.*

Қўшимча маълумот учун Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг 11-40 қисқа рақамига (колл-марказ) қўнғироқ қилишингиз мумкин. Қолаверса, “**my.ihma.uz**” электрон платформаси орқали уйдан чиқмасдан туриб, зарур воситаларга буюртма бериш имконияти мавжуд.

ЖАРАЁН

Меҳнат — инсон учун ҳам руҳий, ҳам жисмоний машғулот

Маҳалла, бу — мўъжаз ватан. Унинг ривожланиши, гуллаб-яшнаши учун фақатгина битта ёки иккита йўналиш билан чегараланиб қолиш ярамайди. Қачонки, ишлар тизимли тарзда ташкил этилса, ҳақиқатан кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Бу борада аҳоли билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларни қийнаётган муаммоларга ўзининг имкониятидан келиб чиққан ҳолда ечим топиш энг тўғри йўл демак.

Санъат СИРОЖОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Пешку тумани бўлими бошлиғи.



Айтайлик, кам таъминланган ёки оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган фуқарони бу ҳолатдан чиқариш учун, аввало, унинг имкониятларини ўрганиб чиқиш талаб этилади. Қизиқишлари, шу кунга қадар қайси соҳаларда фаолият олиб борган, ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинади. Яқин келажакда қандай натижаларга эришишни мақсад қилаётгани суриштирилади. Шундан кейингина мажмуавий тарзда хизмат кўрсатиш режаси ишлаб чиқилиши зарур. Меҳнатга лаёқатли бўлса, бандлигини таъминлаш, имконияти чекланган кишини уй шароитида бирор соҳага жалб қилиш орқали бир қанча масалаларни ҳал қилса бўлади.

Муродулло Мавлонов “Чибоғони” маҳалласида истиқомат қилади. Ўрта махсус маълумотга эга. 4 нафар фарзанди бор. 1993 йилдан буён II гуруҳ ногиронлиги бўлган фуқаро 2024 йил 5 октябрда “Инсон” маркази кўмаги билан сон протези ҳамда махсус пойабзал билан таъминланди. Муродулло ҳозирги кунда велосипед таъмирлаш ҳамда



темирчилик билан шуғулланиб келмоқда.

Меҳнат инсонни ҳам руҳан, ҳам жисмонан даволовчи энг фойдали машғулот. Агар киши севимли юмуши билан банд бўлса, асаблари тинчланади. Саломатлиги тикланади. Атрофидагиларга қайсидир жиҳатдан ёрдами тегади. Рўзғорига даромад киришни бошлайди. Иқтисодий барқарор оилада ортиқча жанжал ва келишмовчиликка ҳожат қолмайди. Кўриниб турибдики, агар “маҳалла еттилиги” ходимлари шу жиҳатларни ҳисобга олган тарзда фаолиятини ташкил этса, ҳар қандай қийин вазиятларни енгиб ўтиш имкони мавжуд.

Бугун юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади инсон, унинг эркин ҳаёти, қадр-қиммати ва фаровонлигига қаратилган. Шу маънода туманимизда аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, янги корхоналарни ташкил қилиш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш орқали уларнинг даромадини ошириш сари илдам одимлаяпмиз. Ишсизлик даражаси 2020 йилда 10,6 фоизни ташкил қилган бўлса, 2024 йил якунига қадар бу кўрсаткични 5,1 фоизгача туширишни режалаштирганмиз.

Туманни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида 2025 йилда янги иш ўринлари очиш орқали аҳолининг доимий ва мавсумий ишларда бандлиги таъминланади. Хусусан, 13,2 мингта иш ўрни қишлоқ хўжалиги йўналишида, 3,9 минг-таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига, 0,5 мингтаси инвестиция дастурлари доирасида, 0,5 мингтаси қурилиш, транспорт ва коммунал соҳасида яратилади.

Инвестиция дастурлари доирасида охирги 4 йилда умумий қиймати 2,2 трлн. сўмдан ортиқ бўлган 250 та хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокида лойиҳалар амалга оширилиб, 1,9 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Туманимиздаги саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажми 2020 йилда 7,0 миллион долларни ташкил этган. Янги ерларни ўзлаштириш ҳамда янги инвестиция лойиҳаларининг ишга туширилиши, шунингдек, экспортёрларни қўллаб-қувватлаш ва кўплаб имтиёзлар берилиши натижаси 2023 йил якунига келиб мазкур кўрсаткич 7,2 млн. долларни ташкил этди.

Фойдаланишдан чиққан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ушбу ер майдонларида мақбул экинларни экиш жумладан, полиз, сабзавот ҳамда озуқа экинлари етиштириш орқали Мустақиллик ва Қорақалпоқ мавзесидаги 2,4 минг гектар ер майдони фойдаланишга киритилди. Натижада 200 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Ҳудудимизнинг ўзига хос табиати, сўлим гўшалари доим сайёҳлар эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Жорий йилнинг 9 ойлик якунига кўра, туманимизга 17,5 минг нафар сайёҳ ташриф буюрган. Ўз навбатида, ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатувчи корхоналар сони 1 тадан 3 тага етди. Мазкур соҳа йилдан-йилга ривожланиб, маҳаллий аҳолининг янги йўналишларда фаолият бошлашига замин яратмоқда.

Маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар кўламини битта мақолада акс эттириш имконсиз. Ҳар бир соҳада янгича ёндашув ва усулларда ташкил этилаётган тадбирлар натижаси аҳоли турмуш шароитининг тобора яхшиланиб бораётганида тўла намоён бўлмоқда.



БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

ЕР СОТИБ ОЛИШ ХАРАЖАТИ ҚОПЛАБ БЕРИЛАДИ

Ҳукумат қарори билан Ногиронлиги бўлган шахснинг ва таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оиланинг электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисида низом тасдиқланган.

Ҳукумат қарори билан тасдиқланган **Ногиронлиги бўлган шахснинг ва таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оиланинг электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги Низом**га асосан, ер участкасини аукцион орқали сотиб олиш харажатларидан келиб чиққан ҳолда, оиласи таркибида ногиронлиги бўлган шахслар сонидан қатъи назар, базавий ҳисоблаш миқдорининг **100 бараваригача** (37 млн. 500 минг сўмгача) миқдорда бир марталик тўлов ажратилади. Харажатлар ушбу миқдордан юқори бўлган ҳолларда БҲМнинг 100 бараваригача (37 млн. 500 минг сўмгача) бўлган қисми **қоплаб берилади.**

Имтиёзли тоифадаги шахслар қуйидаги мезонларга мувофиқ келиши керак:

• *охирги 12 ой давомида ўзи ёки оила аъзолари номида яшаш учун мўлжалланган турар жойи ёки ер участкаси мавжуд бўлмаслиги;*

• *ер участкаси охирги 3 ой ичида аукцион орқали харид қилинган ва Ўзбекистон ҳудудида бўлиши;*

• *ногиронлиги бўлган шахс деб топилган, шунингдек, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”нинг бирида турган бўлиши.*

Имтиёзли тоифадаги шахс аукцион орқали ер участкаси сотиб олгандан бошлаб 3 ой ичида ўз ҳудудидаги туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимига мурожаат қилиши лозим (ушбу муддатдан кечикиб берилган аризалар кўриб чиқилмайди).

Маблағ ажратиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилингандан сўнг 5 иш кунида имтиёзли тоифадаги шахсларнинг аризасида кўрсатилган банк пластик ҳисоб варағига маблағ ўтказилиши таъминланади.

ТАҚДИРЛАР

Аёлга бахт беринг, азоб ва армонлар эмас...

Мастура (*исми ўзгартирилган*) турмуш ўртоғи билан ўтган ўн йиллик ҳаётидаги ёруғ кунларни деярли эслолмайди. Оиласига учинчи шахсларнинг муттасил аралашуви рўзғорининг бузилишига сабаб бўлганидан қалби қаттиқ азобда.

Азиз МАШРАБОВ,
журналист.



“Тош келса кемириб, сув келса симириб, ўз турмушингни, оилангни асра”. Болаликдан қулоғига қуйилган бу панду насиҳатлар аёлни барчасига сабр қилишга ундарди. Яқин инсони билан боғланган ришталарни сақлаб қолиш истаги уни хорижга, бирор масъулиятни бўйнига олишни истамайдиган турмуш ўртоғининг ёнига чорлади.

Ҳар бир кун аёл учун янги синовлар билан бошланарди. Спиртли ичимликка муккасидан кетган ва оилавий қадриятларни ҳурмат қилмайдиган эр унинг ҳаётини кун сайин оғирлаштирарди. Ёлғизлик ва қадрсизлигини ҳис қилиш изтироби тобора Мастуранинг қайғусини оширарди. Эрининг қичқириқлари, руҳий ва жисмоний азоб бериши кундан-кунга умидларини сўндириб бораверар эди...

Бу жамиятимиздаги биргина аёлнинг кечмиши, холос. Атрофимизда биз билмайдиган шу каби тақдирлар оз, дейсизми? Вазиятни ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. Бундай ҳолатларда фавқулодда чора кўриш, зўравонликка учраган аёлга тезкорлик билан ёрдам бериш тақозо этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, республика бўйлаб, барча шаҳар ва туманларнинг шошилинч қабул бўлимларида "бирламчи кўмак" хоналари ташкил қилинди. Бу ерда жабрланган аёл ва унинг вояга етмаган фарзандларига муносиб тарзда хизмат кўрсатиш ташкил этилган.

Бугун икки нафар фарзанди билан давлат ҳимоясига олинган Мастурага яқиндан ёрдам бериляпти. Биринчи навбатда, руҳий кўмак кўрсатилди. Натижада унинг ҳаётий қарашлари ижобий тарафга ўзгарди. Мураккаб вазиятларда аламини ичига ютиб, барчасига кўниш эмас, аксинча ўткинчи синовларни муносиб тарзда енгиш кераклигини тушуниб етди. Фақат олдинга ҳаракат қилишни ўрганди.

“Инсон” маркази фуқаронинг оила аъзоларини тиббий кўрикдан ўтказгач, Термиз шаҳар тиббиёт бирлашмаси керакли даволаш ишларини олиб борди. 2 нафар фарзандига нафақа тайинлаш масаласи кўриб чиқилди ва ҳозирда болалар учун моддий ёрдам пули берилмоқда. Жарқўрғон тумани "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази фуқарога ўз мутахассислиги бўйича иш топишида кўмаклашмоқда.

Жорий йилнинг шу даврига қадар Сурхондарё вилоятидаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказига ҳамда 1146 "ишонч телефони"га жами 263 нафар тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қиз мурожаат қилган. Марказ уларнинг 79 нафарига психологик ёрдам, 38 нафарига ижтимоий кўмак кўрсатди. Таҳлилларга кўра, жабрланувчилар кўпроқ эр-хотин, қайнона-келин, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлардан азият чеккан.

Аёллар ҳуқуқ ва манфаатларининг давлат тарафидан муносиб ҳимоя қилиниши қанчадан-қанча ўксик қалбларга нажот бағишлаяпти. Уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, фарзандларини етук инсон қилиб тарбиялашда мустаҳкам иродага эга бўлишига замин яратмоқда. Зеро, ҳар бир инсон эмин-эркин яшашга, яратиб берилган барча имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳақли.



Жаҳон чемпионатининг 3-саралаш босқичи доирасидаги Ўзбекистон ва Қатар ўйинига бугун “ЖАССИМ БИН ҲАМАД” стадиони мезбонлик қилади.



Пойтахтимизда қиличбозликнинг сабля йўналиши бўйича ёшлар ўртасида ЖАҲОН КУБОГИ босқичи бўлиб ўтади.



Шахмат бўйича учта ёш тоифасидаги жаҳон чемпионатида АФРУЗА ҲАМДАМОВА муддатидан аввал жаҳон чемпионига айланди.

КЎМАК

7,5 МИЛЛИОН НАФАР ХОТИН-ҚИЗ ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИЛДИ



“Аёллар дафтари”нинг 5-босқичини шакллантиришда 30 ёшдан ошган 7,5 миллион нафар хотин-қиз хатловдан ўтказилиб, 1 миллион 265 нафари “Аёллар дафтари”га киритилган. Эътиборлиси, уларнинг 982 минг 387 нафарига амалий ёрдам кўрсатилди.

Хусусан:

1-тоифа бўйича — 549 минг 426 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизнинг 548 минг 458 нафари янги иш ўринлари ва жамоат ишларига жойлаштирилди;

2-тоифа бўйича — хатловда 36 минг 302 нафар хотин-қиз тадбиркорлик қилиш истагини билдирган бўлса, шу вақтгача уларнинг 35 минг 930 нафарига ўз бизнесини йўлга қўйиши учун имтиёзли кредитлар ажратилди;

3-тоифа бўйича — 162 минг 491 нафар боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қиздан 155 минг 24 нафарига бир марталик моддий ёрдам берилди. Шундан 1 минг 763 нафарининг уй-жойи таъмирлаб берилди;

4-тоифа бўйича — 183 минг 787 нафар ижтимоий ёрдамга муҳтож 1- ва 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар аниқланган бўлса, уларнинг 175 минг 351 нафарига бир марталик моддий кўрсатилди. Бу жараёнда 969 нафарининг уй-жойи таъмирланди;

5-тоифа бўйича — 5 минг 970 нафар уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизнинг 5 минг 865 нафарига ёрдам кўрсатилди. Шундан 428 нафари уй-жой билан таъминланди, 5 минг 437 нафарига ижара компенсацияси тўлаб берилди;

6-тоифа бўйича — 62 минг 289 нафар қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд аёлнинг 61 минг 759 нафарига моддий ёрдамлар берилди. Шундан 1 минг 470 нафарига томорқадан унумли фойдаланиши учун амалий ҳамда моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси Ахборот хизмати.

ТАҲЛИЛ

Инсон учун қайғурсангиз, миллат ва ҳудудлар чегара эмас

Ҳамма гап қалбда. Агар инсонлар бир-бирини дилдан ҳис қилса, ўзганинг муаммосини ўзиникидек қабул қилиб қайғурса, миллат ва ҳудудлар ҳеч қандай чегара бўлолмайди. Туманимиз мисолида бунга яққол гувоҳ бўлишингиз мумкин. 125 дан ортиқ турли элат вакиллари истиқомат қиладиган маҳаллаларимиз жуда аҳил ва иноқ ҳаёт кечирмоқда. Ҳамма зиммасидаги вазифа ва масъулиятни тўлиқ ҳис қилган ҳолда адо этяпти. Бошқа ҳудудларда бўлгани каби “маҳалла еттилиги” аъзолари фуқароларни бир мақсад йўлида бирлаштириб, олға интилишда давом этаётир.



Рамиз ФАЗИЛОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Яккасарой тумани бўлими бошлиғи.

Тумандаги 21 та маҳалла фуқаролар йиғинида ишни самарали ташкил этиш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Шу боис ҳал қилиниши керак бўлган масалани асл моҳиятига етиб боришга ҳаракат қиламиз. Аҳоли муаммолари ҳам худди хасталикка ўхшайди. Унинг белгиларини бартараф этиш билан тўлиқ ечим топдим, дейиш мушкул. Агар касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, келажакда намоён бўладиган асоратларини инобатга олиб даво чоралари кўрилса, қайталаш эҳтимоли анча камаяди.

Халқимизнинг табиатига хос бўлган ночорларни қўллаб-қувватлаш, кўмакка муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш каби хислатлар бугун маҳаллаларимиз ҳаётида яққол ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, туманимизда фаолият олиб борадиган 14 нафар ижтимоий ходимнинг ҳар бири давлат зиммасига юклаган вазифалардан ташқари, ўзининг яқин келажак учун мўлжалланган аниқ режа ва мақсадларига эга.

Кам таъминланган аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, маҳаллаларда ушбу тоифадаги фуқароларни аниқлаш ҳамда уларни оғир вазиятдан олиб чиқиш бўйича қилинган ишлар тобора ўз натижасини кўрсатмоқда. Жорий йилда нафақа олувчи оилалар сони 235 тага қисқариб, айни вақтда 489 тани ташкил этмоқда. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларнинг 12 нафар меҳнатга лаёқатли вакили хоҳишидан келиб чиққан ҳолда ишга жойлаштирилди.

Ногиронлиги бўлган шахсларни аниқлаш, уларни банд қилиш, таълим, спорт ва маданий тадбирларга жалб қилиш орқали ижтимоийлашувини таъминлаш маҳаллаларнинг устувор йўналишларидан бири саналади. Ушбу тоифадаги шахсларга протез-ортопедия воситалари тақдим этиш, реабилитация қилиш ҳамда бошқа шу каби хизматлар билан қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Туманда бугунги кунда 1 минг 884 нафар ногиронлиги бўлган шахс истиқомат қилаётган бўлиб, улардан 13 нафарининг протез-ортопедия ва реабилитация қилишнинг техник воситалари, 427 нафарининг реабилитация хизматларига эҳтиёжи мавжуд. Шундан келиб чиққан ҳолда, босқичма-босқич фуқароларга хизмат кўрсатиб келинмоқда.



Тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларга ижтимоий хизматларни туман (шаҳар) ва маҳалла даражасида ташкил этиш, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий мустақиллигини таъминлаш чоралари кўриляпти. Туман “Инсон” ижтимоий хизматлар марказида мазкур тоифага кирувчи фуқароларга психологик, юридик ва бошқа ижтимоий хизматлар ташкил этилмоқда.

Яккасарой туманида 2 та ижтимоий уйлар (ётоқхоналар) бўлиб, унда 70 та хонадон мавжуд. Айни вақтда бу ерда 70 нафар кам даромадли, ногиронлиги бўлган, ёлғиз она ва бошқа шу тоифадаги аҳоли вакиллари истиқомат қилаётгани аниқланган. Йил якунига қадар ушбу оилалар билан манзилли ишлаб, уларни оғир вазиятдан олиб чиқиш бўйича индивидуал режалар ишлаб чиқилади ва ижроси таъминланади.

Жорий йилнинг 8 ойи давомида “Ижтимоий химоя ягона реестри” орқали кўрсатилган ёрдамлар миқдори 2 млрд. 71 млн. 733 минг сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, “Нуроний” сиҳатгоҳига 8 миллион сўмлик йўлланмалар, байрам дастурхонлари учун озиқ-овқат жамланмалари (82,7 миллион сўм), мактаб ўқув қуроллари (12 миллион сўм) тарқатилди. Ногиронлик аравачаси (15,9 миллион сўм), РТВ ва ПОМ маҳсулотлари (53,6 миллион сўм), “Саховат ва кўмак” жамғармасидан 18,5 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Бугунги кунда ушбу ишларни “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида саховатгўй ҳомийлар давом эттирмоқда.

Аввалари кўпчилик маҳалла идорасига фақат маълумотнома олиш учун келарди. Айримлар раиси ким эканини ҳам билмасди. Олиб борилаётган ислоҳотлар, “еттилик” зиммасига юклатилаётган залворли топшириқлар вазиятни бутунлай бошқа томонга ўзгартирмоқда. Энди бу даргоҳ қайсидир маънода одамларга умид ва ишонч берадиган масканга айланиб бораётир.



МАНЗАРА

“Хотин-қизлар ҳаётда ўз ўрнини топганидан хотиржамман”

Маҳалла тизимида ишлайдиган ходим, аввало, ширинсухан бўлиши кераклиги ҳақида кўп тўхталганмиз. Бундан ташқари, унинг катта ҳаётий тажрибага эга экани жуда муҳим саналади. Тажрибали кишининг дунёқараши кенг бўлади. Билдираётган фикрлари ўзига хос залвори билан бошқаларга тез таъсир кўрсатади.

Сайёра АҲМАДЖОНОВА, Тошлоқ туманидаги “Турват” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.



Уч йилдан буён хотин-қизлар фаоли лавозимида ишлаб келаётган бўлсам, ўзим учун яна кўплаб жиҳатларни кашф қилдим. Ҳуқуқий саводхонлик билан янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг моҳиятини аҳоли вакилларига тўғри тушунтириб бериш мумкин. Психологик ёндашув эса ҳаётий қийин вазиятга тушиб қолган кишиларни руҳлантириш, яшашда давом этиши учун умид уйғотишда жуда асқотади.

Аввал мактабда педагог сифатида фаолият олиб борганман. Лекин ич-ичимдан аёлларга яқин бўлгим, уларга қўлимдан келганча ёрдам бергим келарди. Шу иштиёқ билан янги йўналишда иш бошладим. Ҳудудимиздаги хотин-қизлар билан опа-сингилдек бўлиб кетганмиз. Барчаси қандай муаммога дуч келишидан қатъи назар тортинмай мурожаат қилади. Улар билан елкама-елка ишлашдан фақат завқ туяман. Қисқа муддат ичида қанчадан-қанча оилаларни яраштирдик. Ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминладик. Бир сўз билан айтганда, қандай ёрдам керак бўлса, кўрсатиб келяпмиз.

Маҳалламизда 725 та хўжалик истиқомат қилса, шундан 300 тадан кўпроғининг томорқасида иссиқхонаси бор. Деҳқончилик қилишда аёллар турмуш ўртоғи билан баробар меҳнат қилиб, рўзғори учун муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Айниқса, лимон етиштириш бўйича анча йиллик тажрибага эгамиз. Тупроғимиз унумдор, оқова сувдан ҳеч қандай муаммо йўқ. Фақат меҳр билан ерга ишлов берилса бас.

Саида Акромова 4-5 йилдан буён лимон етиштириш билан шуғулланиб келмоқда. 5 сотихли иссиқхонасида оила аъзолари билан бирга астойдил меҳнат қиляпти. Лимондан ташқари, узум ва бўш ерларига турли-туман кўкатлар экиб, даромад топмоқда. 12 сотихли томорқасидан йилига 30-40 миллион сўмдан ортиқ фойда оляпти.

Комилахон Жўраева маҳалла фуқаролар йиғинининг бўш турган биносида тикувчилик цехи ташкил этди. Мазкур корхонада 18 та замонавий тикув машинаси ўрнатилиб, 20 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Ҳозирда болалар учун мактаб кийими, кўрпа ва тўшак қопламалари тайёрланмоқда. “Устоз-шогирд” анъанаси асосида шу соҳага қизиқувчиларга ҳунар ўргатиб, иш билан таъминлаган. Бундан ташқари, субсидия асосида тикув машинаси берилган 9 нафар хотин-қиз кооперация асосида ҳамкорлик қилиб келяпти.

Куни кеча ўтказилган хатлов жараёнида 7 нафар ишсиз аёл борлиги аниқланди. Уларни ҳудудимиз ва қўшни маҳаллада жойлашган тикувчилик цехларида банд қилишни режалаштирганмиз.

“Маҳалла еттилиги” бир ёқадан бош чиқариб ишласа, жуда катта натижаларга эришиши мумкин. Бу тизимда инсонлар дардини юракдан ҳис қилмас экансиз, ажралиш ёқасидаги оила ёки тазйиқ ва зўравонликка учраган аёлнинг оғирини енгил қилолмайсиз.

Турмуш қуриш бўсағасида турган қизларни катта ҳаётга муносиб тарзда тайёрлаш, ўзига бўлган ишончини ошириш учун касб-ҳунар эгаси бўлишига ундаш орқали натижаларимиз янада яхшиланади.

ТАДҚИҚОТ

ҚИШЛОҚ ОТАЛАРИ МАСЪУЛИЯТЛИРОҚМИ?

“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти замонавий оталарнинг ижтимоий-психологик портретини яратиш мақсадида 156 нафар иштирокчи ўртасида махсус сўровнома ўтказди.

Унга кўра, шаҳар ҳудудида уй-рўзғор ташвишларининг кўплигидан оталар асосий эътиборни молиявий масалаларга қаратиши маълум бўлган. Тадқиқотда масъулиятлилик, хатти-ҳаракати учун жавобгарлик каби сифатлар қишлоқ ҳудудида яшовчи оталарнинг қадриятлар тизимида устуворлик касб этиши аниқланди.

Замонавий оталарда болага ўз фикрини айтишга имкон бериш, фарзандини қийинчиликлардан асраш, унинг фаоллигини рағбатлантириш орқали дўст позициясини танлаш каби жиҳатлар юқори кўринишда экани намоён бўлди.

Шунингдек, уларнинг ўзига ишончи юқори бўлиши билан бирга, ҳар бир элементдан шубҳаланишга мойиллик ҳам устувор кўриниш касб этиши маълум бўлди. Давлат ташкилотларида ишловчи оталар ўзига талабчанлик, жавобгарликни ҳис қилиш, қатъийлик ҳамда виждонан ишлашни маъқул кўрар экан.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
6 280 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1120

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.